Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1991 йил 27 июль
ШАНБА
№ 144 (5.187).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1991 йил 25 июлда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. КПСС Дастурининг лойиҳаси ва уни муҳокама қилиш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида.

2. Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақида.

3. Ташкилий масалалар.

4. РСФСР Президентининг «РСФСР давлат идораларида, муассасаларида ва ташкилотларида сиёсий партиялар ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш тўғрисида»ги фармонига муносабат ҳақида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Пленум ишида КПСС Дастури лойиҳасини тайёрлаш юзасидан КПСС XXVIII съездида тузилган комиссия аъзолари, КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, КПССнинг сайлаб қўйилган марказий органлари таркибига кирмаган Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, республика, ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, СССР Қуролли Кучларидаги КПСС ташкилотлари партия комитетларининг котиблари қатнашмоқдалар.

Музокараларда Рязань вилоят партия комитетининг биринчи котиби Л. И. Хитрун, Молдова Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Г. И. Еремей, Украина Компартияси Львов вилоят комитетининг биринчи котиби В. В. Секретарюк, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, КПСС Марказий Комитетининг котиби, Ленинград вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Б. В. Гидаспов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Тожикистон ССР Президенти Қ. Маҳкамов, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. Н. Ильин, Ўзбекистон ССР Тошкент алоқа электр-техника институтининг ректори Ж. А. Абдуллаев, Украина ССР Полтава район йўл тузатиш қуриш участкасининг ғишт терувчиси В. Т. Чуйков, КПСС Умумармия партия комитетининг котиби М. С. Сурков, В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Ленинград электр-техника институтининг кафедра мудири В. В. Калашников, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. Г. Ануфриев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Новгород вилоятидаги «Дружба» совхози ижара звеносининг бошлиғи А. П. Проскурин, СССР Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг директори, СССР Президентининг маслаҳатчиси Л. И. Абалкин, КПСС Марказий назорат комиссияси раиси вазифасини ижро этувчи Е. Н. Махов, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти А. Г. Бабаев, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари А. С. Грачев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, 3-«Мосстроймеханизация» трести 42-механизация бошқармасининг устаси К. А. Николаев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби Г. П. Харченко, СССР Олий Кенгашининг аъзоси, СССР Олий Кенгаши комиссиясининг раиси А. А. Денисов, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, Эстония (мустақил) Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Э. А. Силлари, РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари О. И. Лобов, «Диалог» ойномасининг бош муҳаррири В. Д. Попов қатнашдилар.

Пленумда Пленум ҳужжатларини тайёрлайдиган таҳрир комиссияси тузилди.

26 июлда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

Пайариқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги далаларида бўлган киши қизғин меҳнатнинг устидан чиқади. Пахтакорлар шу кеча-кундузда ғўза парваришини дақиқа сайин авж олдирмоқдалар. 10-бригадага қарашли Боймурод Ўтаев бошлиқ звено пайкалларидаги ниҳоллар айниқса кўзни қувонтиради. Жамоа 4 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Бултур ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 43 центнердан хирмон кўтарилганди. Юқори кўрсаткичга эришгани учун Б. Ўтаев хўжалик бошқаруви томонидан «Жигули» автомашинаси билан тақдирланганди. Бу йилги ният янада қутлуғ: ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш кўзланмоқда. Ҳозиргача 5 марта комплекс ишловдан чиқарилган ва икки марта сувга қондирилган ғўзалар серҳосил бўлиб ўсаяпти.

СУРАТДА: илғор звено бошлиғи Боймурод Ўтаев.

О. ХУДОЙБЕРДИЕВ олган сурат.

КПССнинг ЯНГИ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

М. С. ГОРБАЧЕВнинг 25 июлда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги маърузаси

Ҳурматли ўртоқлар!

Партия Дастурини қабул қилиш — айтиш мумкинки, оддий, меъёрий шароитда ҳам жўн иш эмас. Биз жамият ва давлат тараққиётининг энг қийин, бурилиш босқичида партия Дастурини қабул қилишимиз керак.

Биз муҳокама қилаётган ҳужжат аслида партиянинг янги шароитда ўз қиёфасини белгилаб олишининг, партия сафларини аниқ қилиб қўйилган мақсадлар теварагида жипслаштиришнинг асоси бўлиши лозим. Бошқача айтганда, бу ҳам келажак учун мўлжалланган Дастур, ҳам бугун ва эртага мўлжалланган аниқ-равшан ҳаракатлар режасидир.

Дастуримиз фақат партия аъзоларига қаратилган эмас. Унда келгуси давр учун КПСС ўз тарафдорларига ва бутун жамиятга таклиф қилмоқчи бўлаётган сиёсат белгилаб берилади. Бу — танглиқдан чиқиб олиш йўлларига, бошланган ислоҳотларни давом эттиришга, мамлакат олдида турган ўткир муаммоларни ҳал қилишга бизнинг қарашларимиздир.

Дастурни тайёрлаш комиссияси олдига КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти асосида иш олиб бориш вазифаси қўйилган эди. Қўлингиздаги ҳужжатни шунчаки таҳлил қилишнинг ўзи ҳам биз худди шундай ҳаракат қилганлигимизни кўрсатади. Айни пайтда биз партияда ва мамлакатда бораётган баҳслар давомида баён қилинган концепцияларни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Эълон қилинган муқобил дастурлардаги барча қизиқарли жиҳатларни ҳам эътибордан четда қолдирмадик.

Тақдим этилган лойиҳани асослаб беришга ўтар эканман, гапни партияга ҳозир нима учун айни шундай тусдаги ҳужжат зарур бўлиб қолди, унинг зарурлигини қандай объектив сабаблар белгилаб берган? — деган саволдан бошламоқчиман. Қисқача бундай дейиш мумкин: ўнлаб йиллар давомида партияга тиқиштириб келинган социализмнинг олдинги назарий ва амалий модели номақбул бўлиб чиқди. Ижтимоий турмушнинг ҳамма жиҳатларини тубдан қайта қуриш, демократик ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлди. Партиянинг ўзини янгилаш ҳам, янги партия дастурига эҳтиёж ҳам шу билан боғлиқдир.

ЯНА БИР БОР «СОЦИАЛИЗМГА БУТУН НУҚТАИ НАЗАРИМИЗНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА»

Қайта қуриш йўли КПСС XXVIII съезди қарорларида мустаҳкамлаб қўйилган ва бу масалага қайтишга ҳожат йўқдек туюлади. Бироқ партияда шундай кучлар борки, улар съезд йўлига очиқдан-очиқ қарши чиқдилар, партиянинг ҳозирги бутун сиёсатини шубҳа остига олмоқдалар.

Хўш, жамиятимизга қайта қуриш керакми ёки бу ҳалокатга олиб борадиган хатоми? Ёки айрим кишилар айтаётганидек, социализм ишига сотқинликми?

Ҳозир қайта қуришни ва унинг ташаббускорларини сўкаётган одамлар фактлар билан чиқиша олмайдилар. Ҳақиқат шундаки, мамлакат 80-йилларнинг бошига ўзгарган ҳолатда келди. Жамиятнинг эски ва янги касалликлари очиб ташланмади, бунинг устига бу касалликлар даволанмади, балки яшириб келинаверди, бу эса вазиятни баттар чигаллаштирди ва пировардида оғир танглиқка олиб келди.

Бу — жамият танасининг бирор қисмидаги танглик эмас, балки казарма коммунизми моделининг танглиқка учрашидир. Шуни айтиш керакки, Сталин барпо этган тоталитар-бюрократик тизим улкан мамлакатнинг кучлари ва ресурсларини жамлаш йўли билан катта натижаларга эришишга имкон берар эди. Бироқ фавқулодда куч-ғайрат сарфлаш жамият саломатлигига қадам-бақадам путур етказди, унинг ресурслари совурилишига, унумли, ижодий меҳнатга рағбатнинг йўқолишига олиб келди.

Лениннинг қуруқ ташаббускорликнинг ўзи билан социализм қуриб бўлмайди, деган фикри амалда тасдиқланди, тузумнинг имкониятлари тугаб бораётганлигини кўп одамлар аллақачон тушуниб етган эдилар. Сталин ўлимидан сўнг вазиятни ўзгартириш учун зўр бериб уриниб кўрилганлиги тасодифий эмас. Кейинчалик ҳам бу вазифани ҳал қилишга бир неча бор киришилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аслида иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, моддий, шахсий манфаат воситасини ишга солиши лозим бўлган дурустгина қарорлар ишлаб чиқилди.

Лекин ҳар гал сиёсий тузумни, жамиятнинг устқурмасини тегишли равишда ўзгартириш зарурати пайдо бўлган пайтда ислоҳотчилик ғайрати бўшашиб, иш орқага кетаверди. Ҳамма нарса олдинги тартибда давом этаверади.

Вақт эса ўз ишини қилди. Оммавий қатағонлар тўхтатилди, тоталитар мероснинг кўп жиҳатларидан воз кечилди, лекин ҳокимият ва бошқарувнинг негизида ҳамон ўша маъмурий-буйруқбозлик тизими қолаверди, бу тизим давлат мулкининг мутлақ ҳукмронлигига таянар эди. Бу аслини олганда сталинизм эди.

Мен кўп марта гапирганман, партия Дастури муҳокама қилиниши муносабати билан яна бир бор таъкидламоқчиман: қайта қуриш ҳаётий зарурат эди. Биз тушиб қолган боши берк кўчадан чиқиб олишнинг бошқа усули йўқ эди. Мамлакат олдинги мавқеини тобора тезроқ суръатлар билан қўлдан бериб қўя бошлади, илмий, техникавий, иқтисодий ва ҳатто ижтимоий тараққиётнинг барча йўналишларида жаҳондаги ривожланган давлатлардан орқада қола бошлади, бу эса қайта қуриш эҳтиёжини тағин ҳам оширди.

Ҳозир бизга кўпинча деярли кўр-кўрона, синаб кўриш ва хато қилиш усулида ҳаракат қилдингиз, мақсад тўғрисида аниқ тасаввурингиз йўқ эди, деб таъна қилмоқдалар. Бундай эмас. Ислоҳотларни ўтказишга киришар эканмиз, айрим такомиллаштиришлар билан қаноатланиш мумкин эмаслигини, яна бир ўзгариш, эндиликда 70 йиллик тажрибани ҳисобга олиб, Ленин сўзлари билан айтганда, социализмга бутун нуқтаи-назаримизни ўзгартириш зарурлигини биз яхши тушунардик.

Лекин партияда ҳам, жамиятда ҳам ўнлаб йиллар давомида мафкуравий сийқа гаплар илдиз отиб кетганлиги, ҳар қандай янгилик деярли социализм негизларига болта уриш деб қаралиши сабабли ҳар бир қадамни жуда қийинчилик билан қўйишга тўғри келди.

Олдин биз фан-техника тараққиётига умид боғладик, лекин уни жорий этиш воситалари иш бермади. Шундан кейин хўжалик воситаларини ислоҳ қилишга киришдик, лекин бу ислоҳот йўлига ғов қўйилди. Ана шундан сўнг сиёсий ислоҳот ғояси пайдо бўлди, бу ғояни муҳокама қилишга бутун партия, бутун жамият қўшилди ва у пировард натижада XIX партия конференциясида қабул қилинди. Шу тариқа ислоҳ қилиш жараёни катта йўлга чиқиб олди ва муқаррар тус олди.

Аммо биз умид қилганимиздек, тўпланиб қолган муаммоларни қисқа муддатда ҳал қилиши лозим бўлган ислоҳотлар билан бир вақтда мураккаб, зиддиятли жараёнлар юз бериб танглиқни кучайтирди. Жамиятнинг касаллиги биз тахмин қилишимиз мумкин бўлганидан ҳам жиддийроқ бўлиб чиқди. Бу эса бесаранжомлик, ташвиш, умидсизлик, қўрқувни вужудга келтиради.

Шундай бўлишига қарамай, бу гал ҳам чўчиб ярим йўлда тўхтаб қолганимизда, бу ўзини ўзи ҳалоқ этиш бўлур эди. Ҳозир партия учун ва мамлакат учун бошланган ўзгартишларни чуқурлаштириб, ижтимоий муносабатларнинг янги, замонавий, илғор моделини қарор топтириб, олға боришдан бошқа ечим йўқ.

Ана шу фикр аслида партия Дастури лойиҳасининг мағзига сингиб кетган.

Дастурий аҳамиятга молик кўпгина масалалардан биттасини ажратиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайман, социализм тарафдорларининг неча неча авлодлари мазкур масала хусусида тортишиб келдилар. Ҳозир ҳам ушбу масала тўғрисида ўткир мунозаралар бўлиб турибди, социалистик ғоя келажагининг ўзи ҳам назария ва амалиётда шу масалани тўғри ҳал этишга боғлиқдир.

Мен социализм ва бозорнинг нисбатини назарда тутяпман. Ўтмишда бу тушунчалар бир-бири билан чиқиша олмайди, деб ҳисоблаб келинди, бозор муносабатлари меҳнатга қараб тақсимлашга зиддир ва бу муносабатлар гўё инсонни инсон томонидан эксплуатация қилишга асосланганидир, деб рўкач қилинди. Ҳақиқатда эса бозорнинг ўзи ишлаб чиқариш муносабатларининг характерини белгилаб бермайди. Дарҳақиқат бозор кўҳна замонлардан бери холис тарзда ва муайян даражада ўз-ўзидан, бюрократиянинг аралашувисиз ҳар бир ишлаб чиқарувчининг меҳнатдаги ҳиссасини ўлчашнинг ягона мезони бўлиб келди. Ишлаб чиқарувчининг моли ҳақиқатда жамиятга нечоғлик зарурлиги ва унинг ҳақиқий баҳоси қанчалиги фақат бозор орқалигина аниқланади. Агар ишлаб чиқарувчилар кўп бўлса ва улар истеъмолчини ўзларига оғдириш учун елиб-югурсалар, бу ҳолда молларнинг сифати ва мўл-кўллиги ҳар бир меҳнаткашга унинг иқтисодиёт йўлидаги шахсий ҳиссаси учун қўшимча мукофотга айланади.

Сўнгги ўн йилликлардаги жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, бозор иқтисодиёти бўлмаса, меҳнатга қараб тақсимлаш принципини амалга ошириб бўлмайди. Бунинг маъноси шуки, социализм ва бозор бир-бирига қовушиб кетадигина эмас, аслида уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Бозор — мақсад эмас, балки воситадир, ушбу восита ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга ҳамда ҳозиргига нисбатан анчагина кўпроқ маблағ, ресурслар, моллар, озиқ-овқатни ижтимоий дастурларга йўналтиришга имкон беради.

Биз жамиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини тўла ҳисобга олар эканмиз, давлатнинг танҳо мулкчилиги ўрнини худди шу таҳлитдаги танҳо хусусий мулкчилик эгаллашига қаршимиз.

Бу ўринда гап аралаш, кўп укладли иқтисодиётни бунёд этиш, мулкчиликнинг ҳамма турларини эркин ривожлантириш ҳақида бормоқда. Бу ўринда акционерлик ва ижара мулкчилигига алоҳида эътибор беришимизнинг сабаби шундаки, булар меҳнаткашларнинг тобора кенгроқ қатламларини мулк эгаси, хўжайинлар қаторига киритишга имкон беради.

Ниҳоят, бозор иқтисодиёти мамлакатга жаҳон хўжалигининг узвий қисми бўлишга имкон берадики, бу ҳозир ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун эса тадбиркорлик фаолияти, моллар ва ресурсларни эркин айирбошлашга оид умумий қоидалар, барқарор валюта бўлиши, энг асосийси, ҳуқуқий фуқаролик жамияти бунёд этилиши керак.

Ана шу шарт-шароитларнинг барчасини муҳайё этибгина биз жаҳон меҳнат тақсимотида муносиб ўрин эгаллашимиз ва шу туфайли ўз эҳтиёжларимизни тўлароқ қондиришимиз, ўз табиий бойликларимизни тежаб-тергаб сарфлашимиз мумкин.

Бу кундай равшанга ўхшаб кўринади. Аммо биз ана шу ҳақиқатларни уқиб олишимиз учун анчагина қоқилиб-суқилиб юрдик ва бу ҳақиқатларни кечикиб тушундик, ақидапарастлик, мафкуравий далил-исботсиз қабул қилинадиган қоидалар ва афсоналарга чексиз ишонишнинг жабрини обдон тортдик.

20-йилларда янги иқтисодий сиёсат жорий этилганда буни партия қандай кутиб олганини бир эсланг. Аксарият коммунистлар буни ўз орзу-умидларининг чил-парчин бўлиши, эзгуликни деб кураш ва маҳрумликлар, қамоқхоналар ва фронтларда ўтган узоқ йиллар самарасини бекор қиладиган чора деб билдилар. Октябрь инқилобидан кейин ҳали тўрт йил ҳам ўтмаган, яқиндагина уруш ғалаба билан якунланган эди, кўпчилик орзиқиб кутилган социализм бўсағасида турибмиз, деб ўйлар эди. Ана шу вақтда тўсатдан хусусий тадбиркорлик, кооперация, синдикатлар пайдо бўлса, чет эл концессияларига ижозат этилса... Доҳийларнинг сотқинлиги, айниши хусусида, пролетар ишига хиёнат ҳақида шов-шув кўтарилди. Анчагина одамлар партиядан чиқишди, баъзилар ўз жонларига қасд қилишди.

Ана ўшанда янги йўлни рўёбга чиқаришга киришиш учун Лениннинг обрўси, унинг куч-ғайрати зарур бўлди, худди шу йўл мамлакатнинг иқтисодий таназзулини нари суриб қўйди, қисқа муддат ичида деҳқон хўжалигининг қаддини ростлашига имкон берди. Истеъмол соҳасидаги вазиятнинг яхшиланишига, валютани қўлга киритишга имкон яратди.

Аммо Ленин вафотидан кейин бу йўлдан аста-секин воз кечилди. Шу йўсинда воз кечиш 20-йилларнинг охиридаги нон тақчиллиги чоғида, айниқса, яққол кўринди. Нонку борликка бор эди, кўп эди, аммо нонни давлатга сотиш деҳқонлар учун фойдали бўлмай қолди. Пайдо бўлган муаммони ҳал этишнинг икки усули мавжуд эди: иқтисодий омилларни ишга солиш, яъни янги иқтисодий сиёсатни чуқурлаштириш ёки Ленин танлаб олган йўлни рад этиб фавқулодда, куч ишлатиш йўлини тутиш эди. Сталин ва унинг атрофидагилар иккинчи йўлни танладилар. Шундай қилиб амалда тараққиётнинг яккаҳокимлик, бюрократик модели олинди.

Биз тарихнинг ана шу аччиқ сабоғини эсда тутишимиз ва ўша ҳалокатли хатонинг такрорланишига йўл қўймаслигимиз керак.

ЯНГИЛАНИШ ДАСТУРИ

Энди тақдим этилган лойиҳани таърифлаб бермоқчиман.

Мамлакатдаги вазият ҳамда олдимизда турган вазифаларнинг руҳи лўнда сиёсий ҳужжат бўлишини тақозо этмоқдаки, ушбу ҳужжат келгуси давр учун КПСС позициясини аниқ ифодалаб бера олсин. Шундай қилиб биринчи навбатда асосий эътибор танглиқни бартараф этишга, иқтисодиёт ва сиёсатни барқарорлаштиришга, ислоҳотларни теранлаштиришга қаратилиши лозим.

Увадаси чиққан мафкуравий ақидалар ва андозалардан кескин юз ўгирилгани, дунёқарашимиз ва сиёсатимизни мамлакат ва халқ тараққиётининг бутун тажрибаси, уларнинг кундалик эҳтиёжларига мослашга интилиш лойиҳанинг асосий мазмунидир.

Худди шу боисдан ҳам партиямиз, ишчилар ҳаракати ва озодлик ҳаракати тарихини идрок этишнинг муайян якуни бўлган қоидалар тўғрисидаги бўлим Дастурнинг негизидир.

(Давоми иккинчи бетда).

ҒАЛЛАЗОРДАН ХАБАРЛАР

Шу кунларда жумҳуриятимиз ғаллазорларида ўрим-йиғим қизғин олиб борилмоқда. Ғаллакорлар рўй берган табиат инжиқликларига қарамасдан яхши ҳосил етиштирдилар. Энди асосий вазифа уни сира исроф қилмасдан, қисқа муддат ичида саранжомлаб олишдан иборат. Айрим жойларда бу иш тугалланаётган бўлса, бошқа ерларда авж паллада. Муҳарририятимизга келаётган кўплаб хат-хабарларда шу ҳақда сўз юритилган.

КОНИМЕХ. Бу йил Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигининг 8 та бригадасига 300 гектар ғалла майдони пудрат асосида бўлиб берилганди. Астойдил меҳнат қилингани туфайли натижа ёмон бўлмади. Ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ўтказилиб, гектаридан 18,5 центнердан дон саранжомланди. Жами 510 тонналик хирмон яратилди. Мавсумда 5 та комбайн унумли ишлатилди. Тоштемир Ҳамдамов, Юсуф Ҳайитов, Фармон Муҳамедов, Алибек Абдувоитов, Алишер Тўраев техникани моҳирона бошқариб, ҳосилни қисқа фурсатда йиғиштириб олишда ғайрат кўрсатишди.

Хўжалик маъмурияти ғаллани етиштиришда ва ўриб-йиғиб олишда фаол қатнашганларга 100 килограммдан бепул арпа берди. Шунингдек, доннинг бир қисми жумҳурият Президенти фармонига биноан қишлоқ аҳолисига сотилмоқда.

М. АДИЗОВА.

* * *

КОСОН. Ботир Ҳайдаров ўн йилдан бери «Гулбоғ» давлат хўжалигининг ғаллачилик бригадасига етакчилик қилмоқда. Жамоа бу йил 50 гектар майдонда юқори ҳосил етиштирди. Ўрим-йиғим тез ва соз ўтказилди. Гектаридан 10 центнер ўрнига 18 центнердан дон янчилди. Уйилган хирмон режадаги 50 тонна ўрнига 90 тоннага етди. Мавсумда моҳир комбайнчи Сайфулла Қўчқоров ғайрат кўрсатди. У жами ҳосилни 5 иш кунида саранжомлаб берди. Бригада аъзолари янги ҳосил тараддудини бошлаб юбордилар.

И. УСМОНОВ.

* * *

ДЕНОВ «Ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб дон йиғиштириб оламиз!» — «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигининг Худойберди Янгибоев бошлиқ бригадаси ғаллакорлари шундай мақсадни кўзлашган. Айни пайтда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Комбайнчи Абдураим Рўзиев мавсумда 300 тонна донни янчиб бермоқчи. У ҳамкасблари ўртасидаги беллашувда пешқадам. Иброҳим Ғаффоров, Холмўмин Ўринов, Назир Аҳмедов каби механизаторлар ҳам комбайнни моҳирлик билан бошқаришаяпти. Олтин бошоқ ижодкорлари 63 гектар майдондаги буғдой ҳосилини яқин икки-уч кун ичида туғаллашни мўлжаллашаяпти. Ҳосилдан бўшаган пайкаллар пешма-пеш шудгорланмоқда. Бунда Қўшоқбой Ўролов, Абдуҳолиқ Менгқулов, Али Ўролов каби техника жиловдорлари шижоат кўрсатишаяпти. Буғдой ўрнига озуқа учун маккажўхори экилмоқда.

Т. ШАРИПОВ.

* * *

БУКА. «Кремль» давлат хўжалиги ғаллакорлари бу йил 200 гектар ерда буғдой, 120 гектарда арпа ўстириб, яхши ҳосил етиштирдилар. Ўрим-йиғим қисқа муддатда тамомланди. Гектаридан 12 центнер ўрнига 18 центнердан дон олинди. Хирмонга 360 тонна буғдой жамланди. Хўжалик маъмурияти жумҳурият Президентининг фармонига асосан шу ҳудудда яшовчи киши ҳисобига 30 килограммдан буғдой сотишга қарор қилди.

А. НАБИХУЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

* * *

ЧИРОҚЧИ. Охунбобоев номли давлат хўжалиги ғаллазорларида иш қизғин. Ўрим-йиғим тезкорлик билан олиб борилмоқда. Комбайнчилар ўртасидаги беллашувда Абдусамад Худойбердиев, Шермат Тожиев, Бахтиёр Элмуродов илғорлик қилишаяпти. Уларнинг ҳар бири мавсумда 450—500 гектар майдоннинг ғалласини янчиб беришга бел боғлаган.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

* * *

ҚИЗИЛТЕПА. Район ғаллакорлари 950 гектар ерда етиштирилган арпа ва буғдой ҳосилини нес-нобуд қилмасдан саранжомлаб олдилар. Жумҳурият Президентининг фармонига биноан 16.200 нафар оилага дон сотиш мўлжалланаяпти. «Ленинград», «Партия XXII съезди», «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжаликларида аҳолига ғалла тақсимлаш давом этмоқда.

Б. МАНСУРОВ.

КПССНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бу бўлимда баён этилган фикрларнинг ҳаммаси ҳам партия муҳитида жўнлик билан, осонгина қабул қилинмаса керак. Ахир бу ўринда гап шу ҳақда бормоқдаки, буни тўла асос билан воқеликни янгича идрок этиш, сиёсий партия фаолиятининг мақсадлари ва методларига янгича ёндашув деб аташ мумкин.

XIX асрда ва XX асрнинг бошларида социализм тарафдорлари жамиятни адолатли негизда қайта қуриш имкониятини асосан зўравонлик билан қилинадиган тўнтариш, пролетар диктатурасини ўрнатиш, синфий кураш йўли билан душман синфларни батамом йўқ қилиб юборишгача бориш билан боғлаган эдилар.

Халқ оммаси ўз аҳволини ўнглаб олиш учун Бастилия ёки Қишки саройга ҳужум қилишдан бошқа иложи қолмаган давр аллақачон ўтиб кетганини эътироф этиш пайти келди.

Турмуш даражасини кўп марталаб яхшилашга ва унга янгича сифат бахш этишга имкон берадиган ишлаб чиқариш кучларидаги улкан силжишлар, янги ижтимоий тузилма, демократиянинг ютуқлари, халқ оммасининг манфаатларини ифодалайдиган қудратли сиёсий ва касаба уюшмалари ташкилотлари, ижтимоий муҳолифлик, фуқароларнинг ялпи можароларидан келиб чиқадиган оқибатларнинг жуда катта хавф-хатари — хуллас буларнинг ҳаммаси ўз моҳиятига кўра инқилобий бўлган мақсадларга ислоҳотлар орқали эришиш мумкинлиги ва лозимлигини кўрсатиб турибди.

Дастурнинг биринчи бўлими қуйидаги хулоса билан якунланган: меҳнат кишиларининг манфаатларини ифодалаётган КПСС ҳозир демократик ислоҳотлар, сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, ижтимоий адолат ва умуминсоний қадриятлар партиясидир, у жами фуқаролар тотувлиги учун фаол ҳаракат қилаётган партиядир. Назаримда, булар партия, унинг ҳар бир аъзоси сиёсий жиҳатдан ўзини-ўзи белгилаб олиши учун замонавий мезонлардир.

Партиянинг мақсадлари белгилаб олинаётган бўлимда ҳам янгича ёндашув қўлланилган. Илгариги Дастурларда мақсадларни баён этишда реал воқеликка эмас, коммунистик идеалнинг ўша вақтдаги уқиб олинишига асосланилган эди. Социализмни реал тарихий ҳаракат деб ўрганиш талаби инкор этилган эди. Оқибатда дастурий мақсадлар жамиятни ҳаяжонга солиб турган муаммолардан ажралиб қолди, мазкур мақсадлар асосан «соф» мафкурагагина хос бўлиб қолди.

Эндиликда илгари сурилаётган мақсадлар қайта қуришнинг амалий тажрибасига суянади. Шу мақсадларнинг аксарияти ҳозирнинг ўзидаёқ Иттифоқ ва республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, энди гап хом хаёллар хусусида эмас, бўшликда арши аълодек сарой қуришга беҳуда уриниш хусусида эмас, балки бошланган демократик ислоҳотларни муваффақиятли якунлаш хусусида бормоқда.

Мустақил республикаларнинг демократик федерацияси сифатидаги иттифоқ давлатимизни сақлаб қолиш ва янгилаш энг муҳим дастурий йўл-йўриқдир, бу федерацияда эса барча миллатларга мансуб фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига; кучли ижтимоий муҳофаза негизида бозор иқтисодиётига ўтишга; мамлакатни янгилаш ва уни Европа ҳамда жаҳон иқтисодий муҳитига қўшишга ишончли кафолатлар берилган бўлиши керак.

Лойиҳада баён этилган мақсадларга эришиш одамлар ва жамоалар ижодкорлиги учун шарт-шароит яратишга, тараққиётнинг жуда қудратли омили бўлган инсон манфаатини ишга солишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади, албатта.

Партия кимнинг манфаатларини ифода этиши хусусида гап борадиган бўлим Дастур комиссияси учун энг мураккаб бўлим бўлди, дейиш мумкин. 1961 йилги Дастурда айтилганидек, партиямиз умумхалқ партиясидир, деб айтиш жуда жўн йўлдан бориш бўлур эди, албатта. Бошқа партиялар бўлмагани, кимки сиёсий ҳаётда иштирок этишни истаса КПССга кирганлиги учун у шундай партия бўлган эди.

Кўп партиялар мавжуд бўлган ҳозирги вақтда вазият тубдан ўзгарди. Эндиликда партия кимнинг манфаатларини ифодалаши хусусидаги масала янгитдан ўртага қўйилиб идрок этилиши керак. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозир оммага таъсир ўтказиш учун ўткир мухолифлик авж олди, буни рўйрост айтишимиз керак. Ишчилар ҳаракатидаги, деҳқонлар, зиёлилар ва бошқа қатламлар ўртасидаги янги ташкилотлар КПССни четга суриб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнгги кунларгача партия матбуотида мунозаралар давом этди. Баъзи кишилар партиямизни ишчилар синфининг партияси сифатида аниқ-равшан белгилаб қўйишни талаб этмоқдалар. Бошқаларнинг фикрича, КПСС меҳнаткашларнинг партияси бўлиши керак. Айримлари эса илгариги таърифни, яъни умумхалқ партияси тўғрисидаги таърифни маъқуллаб чиқмоқдалар.

Лойиҳада тўғри йўл-йўриқ кўрсатилган, деган фикрдаман. Партия меҳнат аҳлининг манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиши керак. Биз мамлакат тақдири учун ўз зиммасига катта масъулият тушаётган ҳозирча ягона умумиттифоқ ва кўп миллатли сиёсий куч сифатида барча фуқароларнинг, жумладан бизнинг сиёсий эътиқодларимизга қўшилмаётган фуқароларнинг актив ижтимоий-сиёсий фаолиятга бўлган ҳуқуқларини ҳурмат қилишга тайёр эканлигимизни тасдиқлаймиз.

Бу ҳақда айтиш — ҳамма иш қилинди, деган гап эмас, албатта. Меҳнаткашларнинг ўзлари КПССни ўз партияси деб эътироф этишлари муҳимдир. Афсуски, сўнгги вақтда ишчи жамоаларида илмий-техникавий ва ижодкор зиёлиларнинг бир қисми ўртасида коммунистларнинг мавқеи заифлашди. Буни Конституция 6-моддасининг ўзгариши билангина изоҳлаб бўлмайди.

Партия комитетлари янги шароитларда, демократик муассасалар ва воситалар орқали меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга имкон берадиган фаолиятнинг шакл ва усулларини ўзлаштириб олишлари керак. Тенг ҳуқуқли шериклар сифатида касаба уюшмалари билан ҳамжиҳатлик қилишга партиянинг қодирлиги, ишчилар ҳаракатида қуйидан бўладиган ташаббус асосида тузилган ташкилотлар билан партиянинг яхши алоқаларни йўлга қўя билиши уқуви катта аҳамият касб этади.

Партиянинг ёшлар ўртасидаги таъсири масаласи ўткир бўлиб турибди. Комсомол учун мажбурий бўлган йўл-йўриқлар нашр этиш билан бундай таъсир таъминлаб келинган даврлар ўтиб кетди. Мазкур ташкилотнинг ўзи ҳам ёшлар ҳаракатидаги ўрнини машаққат билан қидирмоқда.

Аввалги муносабатларга қайтиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта. Аммо комсомолга ҳамиша диққат-эътиборни қаратиш, ёшлар ҳаракатида социалистик онгни тарқатиш — барча партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Дастур ана шундай иш учун яхши имкониятлар яратади. Шахснинг эркин камол топишига, ташаббускорлигига, тадбиркорлигига йўл очиш, жаҳонга очиқ юз билан қараш — буларнинг ҳаммаси ёш авлодга тўлақонли ва жўшқин яшаш учун имконият яратади.

Лойиҳа жойларга юборилганидан кейин уни қайтадан ўқиганимда, ундаги баъзи принципиал қоидаларни кучайтириш ўринли бўлар, деб ўйладим. Ҳар бир меҳнаткаш табақа дастурда ўзига хос талабларни топа олиши яхши. Бироқ умуммиллий мавқеини даъво қиладиган партия ўз мақсадларини айрим синфлар ва гуруҳларнинг манфаатларини қондиришдангина иборат қилиб қўя олмайди. У мамлакат, халқ учун муштарак бўлган вазифаларни ҳал этишга ҳам интилиши керак. Бу вазифаларни ҳал этмай туриб ҳеч кимнинг фаровонлигига эришиб бўлмайди.

Бу вазифалар биринчидан, давлатчилигимизни, халқнинг ватанпарварлик анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдир.

Иккинчидан, жамиятда мамлакатни замонавий илму зиёнинг илғор марраларига олиб чиқиши лозим бўлган демократик ислоҳотларни амалга оширишдир.

Учинчидан, тинчликни таъминлашга ва Совет Иттифоқини жаҳон ҳамжамиятига қўшишга қаратилган изчил ташқи сиёсатдир.

Мана шу учала вазифада ҳозир биз учун бениҳоя зарур бўлган фуқаролар тотувлигини вужудга келтирадиган умуммиллий ғоя мужассамлашган.

Лойиҳада партиянинг ўзи ҳақидаги бўлим марказий ўрин олиши табиий. Бу бўлимга партиялилар оммасининг демократик ҳокимияти тўғрисидаги фикр сингдириб юборилган. Партия аъзоси ўз қарашларини бемалол баён қилиш, даҳрий ёки диндор бўлиш, ўзи танлаган ташкилотлардан бирида ишлаш ёки бошқа йўл билан партияга мадад бериш ва ҳоказо ҳуқуқларга эгадир.

Бу соҳада биз дастлабки босқичларда партияга хос бўлган йўл-йўриқлардан воз кечамиз, ўша пайтда инқилобий жангларга ҳозирлик кўраётган партия қаттиқ интизомли, аслида ҳарбийлаштирилган тузилишдаги ташкилот тарзида шаклланган эди.

Бироқ партияни замонавий тасаввурлар руҳида янгилаш, у ўз қарорларини амалга оширишга қобил бўлмаган шаклсиз ташкилотга айланиб кетиши керак, деган маънони билдирмайди, албатта. Бутун гап шундаки, сиёсий фаолият партия учун асосий иш бўлиб қолади. Биз оммавий ахборот воситалари ёрдамида, ўз қарашларимизни тарғиб қилиш орқали, меҳнат коллективларидаги бевосита иш орқали, демократик сайловларда қатнашиш орқали, турли даражалардаги хокимият идораларида ўз вакилларимиз орқали иш кўрамиз — биз келгусида партиянинг мақсадларини амалга оширишни мана шундай ва фақат шундай тасаввур этамиз.

КПССнинг ғоявий негизи таърифи лойиҳани якунлайди. Биз ижтимоий турмушни социалистик негизда қуриш тарафдори бўлиб келдик ва шундай бўлиб қоламиз. Ўтмишда партия фақат марксизм-ленинизмни ўзининг илҳом манбаи деб тан олар эди, бунинг устига мазкур таълимот куннинг амалиётчилик руҳидаги йўл-йўриқлари манфаатларини кўзлаб ҳаддан ташқари соҳталаштирилар, ўзига хос ўзгармас матнлар тўпламига айлантириб юборилган эди.

Энди бизнинг ғоявий бисотимизга мамлакат ва дунё социалистик ҳамда демократик тафаккурининг бутун бойлигини қўшиш зарур.

Социалистик ғояни амалга ошириш, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт йўлидан бориш ҳозир илму зиёнинг ялпи ривожланиши асосидагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкинлиги ҳам мана шундай ёндашувни тақозо этади.

Одамларнинг ижтимоий адолатга, эркинликка ва демократияга бўлган интилишини тўхтатиб бўлмайди. Мана, шу жаҳоншумул жараён давомида мамлакатлар, халқлар, сиёсий ҳаракатлар бир-бирининг тажрибасини ўрганади ва тобора кўпроқ ўзаро баҳамжиҳат бўлиб боради, деса бўлади.

Дастурда коммунизм фақат эсга олинганлигига ўртоқлар эътибор беришганига шубҳаланмайман. Бу мақсадга биз кўриб турган келажакда эришса бўлади, деб ҳисоблаш учун бизнинг ва бошқаларнинг ҳам тажрибаси асос бермайди. Бироқ: ҳар бир кишининг эркин камол топиши — ҳамманинг эркин камол топиши шартидир, деган коммунистик ғоя инсоният учун жозибадор бир мақсад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Шу муносабат билан айтиб ўтмоқчиманки, жумладан, Дастурни тайёрлаш комиссияси доирасида ҳам партиянинг номини социалистик ёки социал-демократик партия деб ўзгартириш ҳақида таклифлар бўлди, дарҳақиқат партия аввал бошда шундай деб аталган эди. Ўртоқлар бу таклифни ўз олдига эришса бўладиган мақсадларни қўядиган партиянинг номи ўз сиёсатининг асосий йўналишини акс эттириши лозим, ҳозир эса бу йўналиш инсонпарвар халқчил социализмдан иборат, деб исботладилар.

Менинг фикрим мана бундай. Партияда ўзининг бутун ҳаёт йўлини коммунизм тушунчаси билан боғлаган миллионлаб кишилар бор. Буни эътиборга олмасдан бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай миқёс ва аҳамиятга молик бўлган масала КПСС съезди, эҳтимол, ҳатто умумпартия референдуми томонидан ҳал этилиши керак. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

ПАРТИЯДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА

Дастур лойиҳаси партиядаги ишларнинг аҳволи билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши мумкин ва лозим. Партия тангликни бошдан кечирмоқда, эҳтимол, буни ўзининг бутун тарихи давомидаги энг ўткир танглик деса бўлади. Уни янгилаш жараёни қийинчилик билан, суст бормоқда.

Шу йил 1 июлгача КПССда, дастлабки маълумотларга кўра, 15 миллион коммунист бор эди. Коммунистлар сони 1973 йилда шунча эди. Бир ярим йил мобайнида партия аъзолари 4,2 миллион киши камайди. Айирмачи ҳаракатлар ҳокимият тепасига чиқиб олган республикалардаги партия ташкилотларининг аъзолари айниқса камайиб кетди. КПСС сафидан чиққанларнинг кўпчилиги сиёсий ҳаётдан четлашди, уларнинг атиги 2—3 фоизи бошқа сиёсий партияларга ва ҳаракатларга ўтди.

Иқтисодий вазият ёмонлашиб, ижтимоий кескинлик кучайган шароитда радикалчи оқимлар фаоллашди ва ташкилий жиҳатдан расмийлаша бошлади. Улар XXVIII съезднинг дастурий баёнотига зиммага ҳеч қандай масъулият юкламайдиган декларация деб қарамоқдалар.

КПССдаги большевистик платформа деб аталган оқимнинг ҳар бир тезисида съезднинг йўл-йўриқларини тафтиш қилишга ошкора уриниб кўрилмоқда. «Янги чиққан большевиклар»нинг фикрича партия яна давлатнинг устуни бўлиб қолиши керак. Сиёсий тизимни ислоҳ қилиш халққа қарши сиёсий ғаламислик деб эълон қилинмоқда, иқтисодиётни демократиялашга эса революциядан аввалги тартибларга қайтиш деган тамға босилмоқда. Уларнинг иборалари, оппортунистларга, ревизионистларга, янги чиққан меньшевикларга, национал-коммунистларга ва социал сотқинларга қарши кескин кураш ҳақидаги даъватлари ҳам шунга мос.

«Коммунистик ташаббус» ҳаракати ҳам кўп жиҳатдан шунга ўхшаш фикрларни ҳимоя қилмоқда. Унинг илҳомчилари аслида мулкчиликнинг кўп хиллилигини рад этадилар, жамиятнинг сиёсий тузилишларини ислоҳ қилиш зарурлигини тан олмайдилар, давлатнинг ташқи сиёсатини тарафкашлик билан танқид қиладилар.

Бир қанча партия ташкилотларида дастурий масалалар муҳокама қилинган пайтда гўё энг муҳим қарорлар халқ билан, партия билан маслаҳатлашмай қабул қилинмоқда, деган даъволар айтилмоқда. Бизда референдумлар ўтказила бошлаганидан, иттифоқ, республика ва маҳаллий даражалардаги ваколатли органлар фаол ишлай бошлаганидан кейин шундай дейилмоқда. Партияга келганда, шуни айтиш кераки, КПСС XXVIII съездидан кейин ўтган бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида Марказий Комитетнинг олтита пленуми бўлди. Уларда жамият турмушининг моҳият эътибори билан барча энг муҳим муаммолари бемалол ва ошкора кўриб чиқилди.

Парламент кураши шароитида «Коммунистлар демократия учун» ҳаракати пайдо бўлди, бу ҳаракат Россия коммунистларининг муқобил демократик партиясига айланиш ниятида эканини эълон қилди.

Аҳволни сергаклик билан таҳлил этиб, КПССда ҳозирнинг ўзидаёқ турли тоифадаги оқимлар вужудга келганини, улардан ҳар бири партияга ўз йўналишини тиқиштиришга интилаётганини тан олиш керак. Шу билан бирга, улар ўз фаолияти орқали партияни парчалашга олиб бормоқдалар.

Турли, сабабларга кўра, у ёки бу оқимга қўшилаётган коммунистларни ёппасига айблашни мутлақо истамайман. Кўп ҳолларда бу мамлакатдаги ва партиянинг ўзидаги ишларнинг боришидан қаноатланмаслик оқибатида содир бўлмоқда. Партия иш кўраётган умумий сиёсий муҳит ҳам баъзи ўртоқларни ҳаддан ташқари ва пала-партиш хулосалар чиқаришга ундаётган жиддий сабабдир.

Бутун октябрдан кейинги даврда давлат жиловини қўлда тутиб келган ташкилот бўлмиш КПСС танқиднинг асосий нишони бўлиб қолди. Муайян сиёсий кучлар бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб, коммунизмга қарши кайфиятларни тўғридан-тўғри ёки бавосита авж олдирмоқдалар.

Партиямиз мустабид ҳокимият йўлига тўсиқ қўя олмаганлиги, ўзидан зулмкорлик қуроли сифатида фойдаланиш имкониятини бериб қўйганлиги учун шак-шубҳасиз жавобгардир. Аммо бу нарса жуда оғир шароитларда мамлакат ва халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилган, ватан мустақиллиги учун курашда жон берган барча авлодларга мансуб миллион-миллион коммунистларнинг фаолиятини қоралаш учун мутлақо асос бўла олмади.

Энг муҳими шуки, айни партия ижтимоий тараққиёт якунларини ва ўз фаолиятини танқидий таҳлил этиб, жамиятни тубдан янгилашга қаратилган энг теран ўзгартишларнинг ташаббускори бўлди.

Биз партияга қилинаётган хуружларни қатъиян рад этиб, унинг янги шароитда ва демократик жамиятдаги ҳамда ҳуқуқий давлатдаги сиёсий партияга хос бўлган усуллар билан меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ишлаш ҳуқуқини тасдиқлаймиз.

Бироқ башарти партия ислоҳотлар йўлидан, шу ислоҳотларни изчиллик ва қатъият билан турмушга татбиқ этишдан чекингудек бўлса, сиёсий турмушда қатнашишни ва айниқса ҳукмрон партия бўлишни даъво қилиш учун ҳар қандай асосдан маҳрум бўлади. Мана шу ҳолатда эса у ҳақиқатан ҳам мағлубиятга учраш хавфи остида қолади. Турли-туман ақидапарастлар, қироатхонлар, баъзан эса очиқдан-очиқ сафсатабозлар таъсирига тушиб қолган ўртоқларимиз мана шуни тушуниб олишлари муҳимдир.

Мен барча оқимлар ва платформаларни ўз феъл-атвор йўлини ўзини ўзи танқид руҳида баҳолашга, эҳтиросларни жиловлашга, сергак сиёсий ҳисоб-китобни устун қўйишга даъват этмоқчиман. Эҳтиросларни жиловлаш, очиғини айтганда, биринчи шартдир. Ҳозир бизга мулоҳазакорлик ҳар қачонгидан ҳам зарур. Башарти партиянинг тақдири тўғрисидаги масала ҳиссаяжонни авж олдириш, сиёсий жазава вазиятида ҳал этиладиган бўлса, ҳамма учун ёмон бўлади.

Аммо, «Келинглар, аҳил бўлайлик» деган қоида асосидаги тинчлантиришнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ўзини партиянинг стратегик йўлига қарама-қарши қўйиб, Устав талабларини тўғридан-тўғри бузаётган айрим оқимларнинг КПСС-дан чиқиши партияга зиён етказмайди, балки аксинча уни мустаҳкамлайди. XXVIII съезд йўлидан бораётган коммунистлар ўзларининг бу йўлдан тойдириб юборилишига йўл қўймайдилар.

Ҳамма аниқ бир тўхтамга келадиган пайт бошланди. Назаримда, биз масалани шу тарзда қўйишимиз керак: партиямиз КПСС XXVIII съезди йўлини ривожлантириш, унинг янги дастурини тан олиш асосидагина яшаши ва ҳаракат қилавериши мумкин. Бошқача қарашга амал қилаётганлар ўз йўлларини бемалол танлаб олаверсинлар.

Ҳозир кўпгина партия ташкилотлари партиянинг навбатдан ташқари съездини чақиришни таклиф қилмоқдалар. Чамаси, вужудга келган вазиятда съездни ноябрь—декабрда чақириш ўринли бўлур эди. Кеча биз сиёсий бюрода шу хусусда фикрлашиб олдик. Дастур лойиҳасини обдон муҳокама қилиш учун вақтга эга бўлиш муҳимдир. Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки гап аслида умумпартиявий мунозара ҳақида бормоқда. Бинобарин, партиянинг тақдири, демакки ислоҳотларнинг истиқболлари, мамлакатнинг тақдири ҳам кўп жиҳатдан шу мунозаранинг қандай боришига боғлиқ.

Дастур лойиҳасида янги ғоялар кўп, уларни қабул этиш, сингиб кетган хурофотлардан халос бўлиш ҳаммага ҳам осон бўлавермайди. Бизнинг назарий тафаккуримиз ҳам мамлакатдаги, ҳам айниқса дунёдаги воқеликларни англаб олишдан орқада қолди. Ўтмиш ақидалари ижтимоий онгни босиб турибди, рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб олишга халақит бермоқда.

Бу фикрни КПССни социал-демократиялаштириш деб аталган масала кўмагида тушунтириб бермоқчиман. Коммунистик ақидапарастлар деб аташ жоиз бўлган ва қироатхонлик тасаввурлари исканжасидан қутилишга қодир бўлмаган намояндалар бизнинг шанимизга мана шундай айб қўймоқдалар. Аммо партиянинг «социал-демократиялашуви»дан жиддий равишда хавфсираётган бир қисм коммунистлар ҳам уларнинг фикрига қўшилмоқдалар, бу инқилоб ва фуқаролар уруши йилларидаёқ пайдо бўлган мафкуравий ихтилофларга бориб тақалади. Ўшанда коммунистлар ва социал-демократлар баррикаданинг турли томонларга ўтиб олган эдилар. Ўша замон чигалликларини тарихчилар ечиб беришар. Бироқ ўша пайтда вужудга келган қарама-қаршилик мезонлари — зўравонликка, пролетариат диктатурасига ва демократияга муносабат, социалистик онг ва сиёсий авангарднинг ўрни кабилар аввалги аҳамиятини йўқотганлиги мутлақо равшан.

Биз ўзгардик, социал-демократия ҳам ўзгарди. Воқеаларнинг бориши ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракатда, социализм тарафдорлари орасида ажралишни келтириб чиқарган кўпгина муаммоларни кун тартибидан олиб ташлади. Бугунги кунда «социал-демократиялаш» билан қўрқитаётган кишилар асосий рақибимиз — социализмга қарши ҳамда миллий-шовинистик оқимлардан эътиборни чалғитмоқдалар, холос.

Янги Дастурни ўзлаштириш партия аъзоларининг дунёқараши ва нуқтаи назарларидаги руҳий бурилиш билан боғлиқдир. Унинг бутун ақлий имкониятларини тушунтириш ишларига жалб этиш, партия ташкилотларига мунозаралар ва семинарлар ўтказишда ёрдам бериш лозим. Бунда бизнинг партиявий илмий муассасаларимиз муҳим ишларни бажаришга даъват этилганлар. Очиғини айтадиган бўлсак, уларни ислоҳ қилиш натижалари ҳозирча унча кўзга ташланмаяпти.

Партия матбуотининг янада фаолроқ, собитқадамлик билан ишлашига тўғри келади. У бошқа сиёсий йўналишлардаги нашрлар билан мусобақага ҳамиша ҳам бардош бера олмаяпти, баъзи ҳолларда эса партия позицияларидан жиддий чекинишлар бўлаётгани тўғрисида гапириш учун ҳам асос бор. Матбуот тўғрисидаги қонун ҳимоя қиладиган сўз эркинлиги, танқид учун кенг майдон яратилгани, фикрлар хилма-хиллиги — буларнинг ҳаммаси партия нашрларига ҳам тааллуқлидир, албатта. Агар газета кун сайин КПСС тутган йўлини бадном қилиш билан шуғулланса, уни партия матбуоти деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос йўқ.

Мушкул ечимлардан популистик усуллар ёрдамида қутилган осонроқдир, албатта. Бундай ечимлар туб ўзгартишларни амалга ошириш чоғида шубҳасиз пайдо бўлади. Лекин меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар вакилларини ҳокимият идораларида кўпайтириш юзасидан амалий ишлар қилиш йўли билан партия обрўсини мустаҳкамлаш учун кучларни жамлаш самаралироқ бўлмасмикин.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида КПСС сиёсий ҳаракат қиладиган партия сифатидагина муваффақиятга умид боғлаши мумкинлигини ҳаммамиз яна бир марта ва қайта-қайта ҳис қилмоғимиз лозим.

Шу муносабат билан давлат хизматини партиядан ҳоли қилиш, корхоналар ва муассасаларда партия ташкилотлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисида РСФСР Президенти яқинда қабул қилган фармонга қандай муносабатда бўлиш керак? КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотида унга сиёсий баҳо берилди. Мен Пленум мазкур ҳужжатга нисбатан ўз муносабатини билдириши керак, деб ҳисоблаётган ўртоқлар билан ҳамфикрман. Бу тадбирни ҳар қандай далиллар билан асослашмасин, у шусиз ҳам можароларга тўлиб-тошган вазиятни янада мураккаблаштиради. Бу ҳозир жамиятимиз муҳтож бўлган нарса эмас, албатта. Биз тотувлик ҳақида гапирамизу, оғир масалаларни амалий ҳал қилишга нисбатан пайдо бўлган тамойилларга жипслашишга зарар етказиш учун амалда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳужжатларни қабул қиламиз. Ваҳолонки, бутун жамиятимиз жипслашишни, оғир масалаларни ижобий ҳал қилишни интизорлик билан кутмоқда.

Бу жамоат ташкилотлари орқали ўз манфаатлари, ўзларининг тутган йўлларини ифодалаётган меҳнат жамоаларининг демократик ҳуқуқларига дахлдор масаладир.

Бунда фуқаролар ҳамда ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида гап бораётганлиги сабабли, СССР конституциявий назорат комитети ўз хулосасини бериши керак. Кеча СССР Олий Кенгашининг Раиси конституциявий назорат комитетига тегишли мурожаатнома юборди.

Воқеалар қандай ривожланмасин, ваҳимага тушиш керак эмас. Ҳеч ким партиянинг меҳнат жамоалари билан ишлашини тақиқлай олмайди.

Ҳозир жамиятимиз ва партиямизда рўй бераётган ўзгаришлар кўпгина ўртоқларимиз, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари билан қуйи комитетлар ходимларининг аҳволига ёмон таъсир қилмоқда. Мен уларни тушунаман. Кеча жумҳурият ва вилоят партия комитетларининг биринчи котиблари билан бўлган учрашувда ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотлари, партия қуйи комитетларидаги аҳволга хос бўлган кескинлик, ўшандай кайфият сезилиб турди. У ерда ишлаётган ўртоқларни ҳар томонлама — ҳам маънавий, ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур. Керак бўлса моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашимиз лозим. Партиянинг марказий ҳамда маҳаллий идоралари ва муассасалари бу ишни кечиктирмай амалга оширишлари керак.

ҲОЗИРГИ ПАЙТ ВА ПАРТИЯ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Дастурни муҳокама қилар эканмиз, биз, албатта, жамиятдаги вазиятдан ажралган ҳолда фикр юрита олмаймиз. Авжига чиққан танглик ҳали пасайгани йўқ. Истеъмол бозорида ҳозирча ўзгаришлар бўлмади. элатлараро негизда вақти-вақти билан можаролар чиқиб турибди, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам кўпгина қийинчиликлар ва ишкалликлар бор. Айни вақтда ҳозир, кейинги ойларда биринчи марта бурилиш аломатлари кўзга ташлана бошлади.

Ҳар қандай жамият, давлат фуқароларнинг қўллаб-қувватлашига таянадиган мустаҳкам ижроия ҳокимияти бўлган тақдирдагина нормал ривожланишга қодирдир. Бунинг учун эса асосий сиёсий кучларнинг тотувлиги, уларнинг миллий манфаатлар йўлида биргаликда ҳаракат қилишга шайлиги талаб этилади.

Бизда юзага келган таназзулнинг сабаблари тўғрисида кўп гапириш мумкин. Лекин, ўйлайманки, бу таназзул кўп даражада сиёсий жараён қатнашчилари ўртасидаги зиддиятлар оқибати эканини айтсам, ҳеч ким баҳслашиб ўтирмаса керак. Бу — Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги, республикаларнинг ўзлари ўртасидаги, КПСС билан янги пайдо бўлаётган партиялар ҳамда ҳаракатлар ўртасидаги, янги партиялар ва ҳаракатларнинг ўзлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувидир. Бу ўринда аҳволни махсус тахмин этиш талаб қилинади ва мен ҳозир ушбу мавзуни чуқурлаштирмайман.

Ҳаммамиз вақти-вақти билан фавқулодда кескин тус олган сиёсий олишувларнинг ҳам онгли ва кўпинча мажбурий қатнашчилари бўлганмиз. Давлат тақдири учун ташвиш пайдо бўлганлиги ҳам асослидир, айрим вақтларда жамиятимизда фуқаролар уруши ва ҳарбий тўнтариш, Иттифоқнинг тарқалиб кетиши, янги диктатура ўрнатилиши хавфи тўғрисида гап борди.

Буларнинг ҳаммаси мавжуд воқеликни қай даражада акс эттирганлиги, олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеаларнинг ривожи олдида вазият атайин авж олдирилганлиги ёки фақат қўрқув акс эттирилганлиги хусусида баҳслашиш мумкин. Бироқ, жамиятимизда бундай хавфсирашлар пайдо бўлиши фактининг ўзи ҳали ҳам бартараф этилмагани, бунга жиддий муносабатда бўлишга мажбур қилади. Ана шу ниҳоятда мушкул вазиятда Ново-Огарево жараёни деб аталган жараённинг аҳамияти янада кучаяди.

Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бораяпти? Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай чегаралардан ошиб ўтиш хавфи бўлган кескин қарама-қаршилик босқичида асосий сиёсий кучлар ўз масъулиятларини ҳис қилиб, мамлакатни тангликдан умумий куч-ғайрат билан қандай олиб чиқиш кераклиги хусусида келишиб олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳеч ким ўзининг асосий йўлидан, тўғрироқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий ўзига хослигидан воз кечгани йўқ, ўз сиёсий қиёфасини ҳам йўқотмаган. Шунчаки ўзаро мақбул оқилона қарорлар асосида ҳаракат қилиш мумкинлиги ва зарурлиги эътироф этилганди. Ҳақиқатан ҳам давлатни парчаланишга, халқни кулфатга бошлайдиган муҳолифликни оқлаши мумкин бўлган сиёсий мақсадлар бормикин!

Матбуотда «9 плюс 1» деб аталган баёнот пайдо бўлганида, аввалига бир дафъалик ҳужжат тўғрисидагина гап кетаётгандек туюлиши мумкин эди. Энди эса бу тангликни босқичма-босқич бартараф этиш жараёнининг бошланиши эканлиги ҳаммага маълум бўлиб қолди. Бу нарсани бутун жамиятимиз ўтган машаққатли ойлар мобайнида сабрсизлик ва умид билан кутганди.

Хом хаёлларга берилиш керак эмас, албатта. Сиёсат билан шуғулланаётганлар учун бунга йўл қўйиб бўлмайди. Юзага келаётган фуқаролар тотувлиги ўзларига ошкора ёқмаётган кучлар ҳам бор. Бу тотувлик ўз-ўзидан мустаҳкамланмади, турли хил синовлардан ўтди. Аниқ муаммолар юзасидан тутиладиган йўлларни келишиб олиш умуман енгил бўлмайди, бу жуда оғир кечади. Лекин, айни вақтда сиёсий жараённи қонун доирасида олиб бориш, қайта қуриш натижасида ташкил этилган демократия қонуний муассасаларининг фаолият кўрсатиши, ҳайқириб турган оломон ва «йўқолсин» деган шовқин-суронлар ёрдамида муаммолар ҳал этилишини истисно қилишнинг аниқ-равшан имконияти пайдо бўлди.

Жамият КПССнинг фуқаролар тотувлиги йўлига қатъий риоя этишга қарор қилганлигига ишониши лозим. Гарчи ҳозир КПССни бошқа хатти-ҳаракатларга, ўзини бошқача тутишга ундаш учун жуда кўп уринишлар бўлаётган бўлса ҳам, шундай қилиш керак. Биз бундан кейин ҳам барча мураккаб муаммоларни муҳокама қилишга, руҳан яқин бўлган партиялар ва бирлашмалар, барча демократик кучлар билан уюшган ҳолда ҳамкорлик қилиш ва ҳамжиҳатликнинг барча шаклларини қўллашга тайёрмиз.

Бошқа сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳам худди шундай масъулият билан иш олиб боришларини кутишга ҳақлимиз.

Маълумки, ўтган куни янги Иттифоқ шартномаси устидаги ишларни тугатишга вакил қилинган Олий Кенгашлар делегациялари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Лойиҳа келишиб олинди, у узил-кесил таҳрир қилинаяпти. Шундан кейин имзолаш учун тайёр бўлади.

Бу аҳволни барқарорлаштириш, республикалар билан Иттифоқ ўртасидаги ваколатларни аниқ фарқлаб қўйиш асосидагина давлат идораларининг нормал фаолиятини тиклаш учун катта аҳамиятга молик бўлади. Мен учрашувда Лондонда «Еттилик» учрашуви қатнашчилари билан бўлган музокаралар ҳамда суҳбатлар тўғрисида ахборот бердим. Бу учрашувларнинг якунлари муҳим аҳамиятга эга.

СССРни жаҳон иқтисодиётига таркибий қўшиш учун асос яратилди. Энергетикамиз ва алоқамиз, қишлоқ хўжалиги ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта корхоналар, бозор ёрдамчи соҳаларини ташкил этиш тизимларини янгилаш мақсадида амалий ҳамжиҳатликнинг йўналишлари асосан келишиб олинди.

Ҳамкорликнинг янги усулларини ўзлаштириб олиш учун қаттиқ ишлашга тўғри келади, албатта. Ҳали ҳам жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган кўпгина иқтисодий омилларимизни ўзгартиришимиз, кадрлар тайёрлашимиз, нотўғри тушунчалардан воз кечишимиз керак бўлади. Бу ўринда асосий сиёсий кучларни, шу жумладан партиямизни ҳам фаол қўллаб-қувватлаш зарур.

Биз иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан, энг аввало, замонавий илғор технологиялар, бозорни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни самарали таъминлайдиган иқтисодий омиллар ва жамият эҳтиёжини пухта таъминлаш бўйича орқада қоляпмиз. Иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилишимиз умуман ижобий баҳоланмоқда.

Бунда, айтиш мумкинки, бир давлатнинг ютқазиши бошқасининг ютуғига айланадиган давр ўтиб кетганлиги англашилади. Ўзаро боғлиқ ва яхлит дунёда ҳар қандай мамлакатнинг қийинчиликлари бутун ҳамжамият учун йўқотишга олиб келиши мумкин. Айни пайтда қуруқликнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган, улкан табиий бойликлар ва одам ресурсларига, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш имкониятларига, ҳарбий куч-қудратга эга бўлган давлат тўғрисида гап борганда, ана шуларни ўйлаш керак.

Ново-Огаревода Иттифоқимизни сақлаб қолиш ва янгилаш тарафдори бўлган барча республикаларнинг раҳбарлари йиғилгани сабабли, биз долзарб иқтисодий муаммолар — ҳосилни йиғиб олиш ва сақлаб қолиш, қишга тайёргарлик ва бир қанча бошқа муаммолар юзасидан фикрлашиб олдик.

Ҳозир озиқ-овқат таъминоти масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. Қаттиқ қурғоқчилик Қозоғистоннинг бир қанча вилоятларига ва мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига шикаст етказди. Биз яқин кунларда вазиятнинг кескинлашишига йўл қўймаслик учун озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг амалий чора-тадбирларини белгилаб олишимиз керак.

Ўртоқлар! Ҳозир Пленум ишини зўр эътибор билан кузатиб турган коммунистлар ҳаммадан кўра кўпроқ «Нима қилиш керак?» деган саволга жавоб кутмоқдалар. Менимча, партия съезди қабул қиладиган янги Дастур лойиҳасида бу саволга етарли даражада аниқ жавоб берилган.

Лекин шундай вазият юзага келдики, амалий ишларимизда ҳеч қандай кечикиш бўлиши мумкин эмас. Режалаштирилган мақсадларимизни амалга ошириш учун бутунданоқ иш бошлашимиз муҳимдир.

Партиянинг аввалги раҳбарлик мавқеи йўқ. Бинобарин, сиёсий усуллар билан иш юритиш мумкин ва шундай қилиш керак — одамлар ҳузурига бориш, уларни ишонтириш, ўз вакилларимизнинг ҳокимият идораларига сайланиши учун курашишимиз лозим. Бунга эришилмаган жойларда эса амалий равишда оппозицияга ўтиш, маъмурларнинг оқилона тадбирларини қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш зарур бўлганда маъмурлар билан рақобатлашиш даркор.

Маърузамни шундай тугатмоқчиман: аҳвол мураккаб, лекин бизда янги Дастур негизида халқ оммасининг социалистик муддаоларини ифодалайдиган қудратли сиёсий куч сифатида партияни жипслаштиришнинг аниқ-равшан имконияти бор. Бу имконият бой берилмаслиги керак.

Риштон районидаги «Риштон» давлат хўжалигининг М. Ниёзов бошлиқ звено маккажўхорикорлари 16 гектар майдонда дала маликаси парваришлашаяпти. Жорий йилда 50 центнердан дон, 500 центнердан кўкпоя олишмоқчи. Шу кунгача икки марта ишлов берилди. Обиҳаётга қонган экинларда ҳосил бўлиқ.

СУРАТДА: пешқадам звено бошлиғи М. Ниёзов ва механизатор Р. Жўраев.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

Чорвамиз жонкуярлари

ОТА КАСБИНИ УЛУҒЛАБ

1929 йил баҳор кунларининг бирида Яраш бобо Тоғаев хонадонида қувончли воқеа юз берди — оилада ўғил туғилди. Ота ўғлининг меҳнатсевар инсон бўлишини орзу қилиб Шоҳпўлат деб исм қўйишни хотинига маслаҳат солди. Бу гап Иқбол онага ҳам маъқул тушди.

Ойлар кетидан йиллар ўтиб Шоҳпўлат улғая борди. Эндигина тўртинчи синфни битирганда отаси, 1943 йилда онаси вафот этди. Акаси Эшқувват Ярашев урушга бориб бедарак кетди.

Очарчилик. Кўп қатори Шоҳпўлат ҳам бир бурда нонга зор пайтлар. Катталар маслаҳати билан қишлоқдошларининг қўй-эчкиларини боқди. Самарқанд, Наманган, Чирчиқ шаҳарларидаги болалар уйларида тарбияланди. Уруш тугагач туғилиб ўсган Оқчелак қишлоғига қайтди. Ер хайдади, сабзавот етиштирди. Аммо чўпонликка иштиёқи зўр эди. Яхшилар ёрдамида режасини амалга оширди. «Партия XXV съезди давлат хўжалигидан бир отар қўй олди. Қаҳратон қиш изғирини, саратон жазирамасига бардош берди. Хайрли ташаббуслар билан майдонга чиқди. Қийин дамларда устози Барот Мирзаевга суянди.

Қўзилатиш мавсумининг муваффақияти чўпоннинг йил бўйи қилган меҳнатига боғлиқ. Мақсадга эришиш учун совлиқларни яхши парваришлаш, зооветеринария қоидаларига риоя этиш даркор. Захматли меҳнат зое кетмади. Қарамоғидаги ҳар юз совлиқдан 106 тадан соғлом қўзи олди. Номи илғор чўпонлар қаторида тилга олина бошланди.

— Чўпонлик касбининг қийинчиликлари кўп, —дейди Шоҳпўлат ака. — Бугун шамол қаёқдан эсади, қўйларни яйратиш учун қайси яйлов қулай. Ҳаммасини чорвадор билиши керак. Лоқайдлик бизнинг энг катта душманимиз. Захмат чекмай режани бажариб бўлмайди. Бахтим шуки, ҳалол меҳнат қилиб кам бўлмадим. Бирим икки бўлди, халқ олқишига сазовор бўлиш насиб этди.

Тажрибали чўпон тантанали суратда пенсияга кузатилди. Унинг қўлидан чўпонлик таёғини ўғли Болиқул қабул қилиб олди. Азамат ота изидан бораяпти. Ҳар юз бош қўйдан 100 тадан ошириб қўзи олишга эришмоқда. Жун топшириш режаси ҳам ортиғи билан адо этилди. Мусобақада ғолиб чиққани учун мукофотга 13 бош қўй, қариб тўқ-қиз минг сўм пул олди. «Урал» мотоцикли билан тақдирланди.

— Нимагаки эришган бўлсам ҳаммаси отам туфайли, — хурсандчилигини ифода этади ёш чўпон. — Қийин дамларда у ҳамкор, мададкор бўлмоқда.

Мураббий Шоҳпўлат ота ҳар қанча фахрланса арзийди. Беш ўғли, етти қизи ҳалол меҳнат қилиб номини улуғлашмоқда. Биз яйлов дарғалари билан қизғин суҳбат қурдик. Улар ўзларини тўлқинлантираётган муаммолар хусусида алоҳида тўхталишди. Жумладан, ўн бир йилдан бери электр токи берадиган моторлардан фойдаланишаяпти. Ў базъида ишламай қолади. Айрим кезлар эса ёқилғи топилмайди. Чорвадорлар гугурт, туз, ун, совун, гуруч, кийим-кечак излаб сарсон бўлган вақтлар ҳам кўп бўлади. Автодўкон келмай кетди. Ёшлар телевизор кўриш учун имкон йўқлигидан хуноб. Эски уйлардан чакка ўтади. Ойлик маош жуда кам. Бозор шароитида баъзи оилалар қийналиб қолишди.

Яйлов кезиб ажойиб инсонлар билан танишдик. Бир нарса бизни тўлқинлантирди: яйлов дарғалари иродали, сабр-қаноатли кишилар экан. Қанчалик оғир бўлмасин барчасини ақл билан енгиб ўтишга ҳаракат қилишаяпти. Улар мушкулотлар қисқа вақт ичида ҳал этилишига ишонишмоқда,

Б. ШОМИРЗАЕВ.
Пайариқ райони.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг

БАЁНОТИ

КОММУНИСТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ШОН—ШАРАФИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Жойлардаги ишлар аҳволининг таҳлили, шунингдек КПСС Марказий Назорат комиссиясига ва Марказий Комитетига тушган хабарларнинг далолат беришича, мамлакатнинг бир қанча минтақаларида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонуни, СССР Президентининг Литва, Арманистон, Грузия юзасидан чиқарган фармонлари ва инсон эътиқодлари ҳуқуқларини, турли партия ва ҳаракатларга мансублигини кафолатлайдиган бошқа қонун ҳужжатлари бузилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг «Литва ССРдаги ғайридемократик ҳужжатлар ва инсон ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида»ги баёноти, КПСС Марказий Комитети котибиятининг «Украина ССР ғарбий вилоятларида коммунистларни таъқиб қилиш фактлари ҳақида»ги қарори мамлакатда авж олиб бораётган жангари антикоммунизмнинг янги давраси тўхтатиб қола олмади. Демократик шиорлар ва ислоҳотларга даъватлар ниқоби остида ҳаддидан ошган кучлар бирикиб олмоқдалар. Улар ижтимоий тузумни ўзгартиришга қарши турган асосий куч бўлмиш КПССни яккалаш ва тақиқлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бир қанча республикаларда СССР қонунларига, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларга хилоф бўлган қонунлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул этилмоқда. Сиёсий сабаблар билан касб эгаллаш ва хизмат лавозимларида ишлашни тақиқлаш жорий этилмоқда. Ўзгача фикрни бостириш учун турли ғайриконституциявий тузилмалар вужудга келтирилмоқда.

Коммунистлар ижтимоий камситилаётганини, уларга руҳий ва жисмоний дағдаға қилинаётганини, улардан шафқатсизларча ўч олинаётганини кўрсатувчи кўпгина фактлар бор. Чунончи, 1991 йил январида Калуга шаҳрида КПСС аъзоси, вилоят «Знамя» рўзномасининг муҳаррири И. И. Фомин экстремист қўлида ҳалок бўлди. 1990 йил мартида коммунист, Арманистон Олий Кенгашининг депутати, Аштарак район партия комитетининг собиқ котиби М. О. Хачатрян оиласи бошига фожиа тушди. Унинг беш оила аъзоси, шу жумладан балоғатга етмаган икки гўдак ўз уйида ўлдирилди.

Шу йили Грузия Компартияси Ахмета район комитетининг биринчи котиби А. Г. Сасадзишвили, Дағистон вилоят партия комитетининг аъзоси Б. А. Қосимов, Украина Компартияси Ровно район комитетининг биринчи котиби А. И. Левкович квартираларига қуролли ҳужум қилинди. Мари вилоят партия комитети аъзоси, Мари АССР Вазирлар Кенгашининг раиси Г. С. Петров, Литва Компартияси Акмяне район комитетининг биринчи котиби И. И. Василевич ва бошқалар жисмоний таҳқирланди.

Айрим минтақаларда КПССга қарши кайфиятдаги раҳбарларнинг тазйиқи билан бошланғич, цех партия ташкилотларини асоссиз равишда тарқатиб юбориш, парткомларни корхоналар ҳудудидан чиқариб юбориш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Донецк, Кемерово, Самара, Свердловск ва бошқа баъзи вилоятларнинг корхоналарида шундай фактлар содир бўлди.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР қонунига, СССР Президентининг тегишли фармонларига хилоф равишда КПСС район ва шаҳар комитетларидан тегишли бинолар ва автомобиль транспортини зўравонлик билан тортиб олаётган айрим идоралар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилмаяпти. Арманистон, Грузия, Молдова, Литва, Латвияда, Украинанинг Ғарбий вилоятларида шундай фактлар қайд этилди. «Саюдис»нинг Паневежис район Совети Литва ҳукуматига умуман КПСС ташкилотларини жиноий ташкилотлар деб ҳисоблаб, уларнинг ҳаёт фаолиятини бутунлай қамал қилиш чораларини кўришни таклиф этди.

Мана шуларнинг ҳаммаси аввало СССР ва республикалар ҳокимияти давлат тузилмалари, уларга бошчилик қилаётган мансабдор шахслар ғайриконституциявий хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш, мамлакат барча фуқароларининг, шу жумладан КПСС аъзоларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўрмаганликлари сабабли содир бўлди.

КПСС Марказий Назорат комиссияси ғайрикоммунистик жазавага, фуқароларнинг мавжуд қонунларга зид келмайдиган сиёсий фаолият билан шуғулланиш ҳақида СССР Конституциясида кафолат берилган ҳуқуқлари бузилишига қатъиян қарши чиқади.

КПСС Марказий Назорат комиссияси РСФСР Президентининг РСФСР давлат идораларида, муассасаларида ва ташкилотларида сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги фармонини ғайриконституциявий, ғайридемократик ҳужжат, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Назорат комиссияси СССР Олий Кенгашига ва Президентига, мустақил республикаларнинг парламентларига мурожаат этиб, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун ўз ваколатларидан тўла-тўкис фойдаланишга чақиради.

Биз умид билдириб айтамизки, СССР Конституциявий Назорат Комитети, СССР Олий суди, СССР прокуратураси, СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Адлия вазирлиги СССР Конституциясига, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга оғишмай риоя этилиши, сиёсий сабаблар билан фуқароларни таъқиб қилишнинг ҳар қандай фактлари пайини қирқиш, уларнинг эътиқод ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, партияга ва бошқа жамоат бирлашмаларига тегишли молмулкни муҳофаза этиш юзасидан зарур бўлган барча чораларни кўрадилар.

Марказий Назорат комиссияси КПСС аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқларини, шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун барча қонуний йўллардан фойдаланадиган партия ташкилотларини, уларнинг партия комитетларини ва назорат органларини қўллаб-қувватлайди.

КПСС Марказий Назорат комиссияси ҳисоблайдики, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, котибияти маҳаллий тажрибадан фойдаланиб, коммунистларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш юзасидан партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари учун тавсияномалар ишлаб чиқиши лозим.

Биз партиянинг барча соғлом кучларини жипслаштириш орқалигина ғайрикоммунизм кампаниясини тўхтатиб қола оламиз, мамлакатдаги демократик ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлай оламиз, кўп миллатли Ватанимизнинг яхлитлигини сақлаб қола оламиз.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

29 июль— 4 август

ҲАР КУНИ

● 8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (УзТВ-II).
● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (УзТВ-II).
● 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (УзТВ-I).
● 22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (УзТВ-I).
● 6.00 да Марказий телевидениенинг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «Время» программаси.
● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-I).
● 8.00 да Эрталабки бадантарбия (МТ-II орқали, якшанба куни «Зарядкага сафланинг»).
● 19.45 да «Хайрли тун, кичкинтойлар!» (МТ-II).

• 29, душанба

● Уз ТВ I
18.10 Мультфильмлар. 18.25 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.25 Тижорат хабарлари. 21.10 Сайёра Қозиева куйлайди. 21.50 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси». 22.25 «Оила».

● Уз ТВ II
18.05 «Ассалому алайкум». 19.05 «Спринт». 19.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларидан. 20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ I
8.35 «Марафон-15». 9.50 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. 9.55 «Тўти қушли хоним». Бадиий фильм. 11.45 «Мулоқот». 12.00 Футбол шарҳи. 12.30 «Кумуш торлар». 14.45 «Тоғ қиссаси». Бадиий фильм. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Мультфильмлар. 16.40 Болалар учун фильм. «Ўн беш ёшли капитан». 18.00 ТСН. 18.15 «Бозор қонунларига биноан». 19.00 «50х50». 21.10 Футбол шарҳи. 21.40 «50х50» кўрсатувининг давоми. 23.40 ТСН. 23.55 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 9-серия. 00.30 «Америкача таътиллар».

● МТ II
7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 «Ўзингиз кимсиз, доктор Цзян?». Ҳужжатли фильм. 9.00 «Тузоқ». Бадиий фильм. 10.00 Билимдонлар учун машқ. 10.45 Созандалар мусиқа ҳақида. 13.30 Болалар учун фильм. «Ҳабиб — илонларни ўргатувчи». 14.35 «440 герц». 18.25 От спорти. 19.10 «Мусаффир Фёдор Решетников». 19.30 «Шамолдан ҳам тез». 20.00 Дзюдо кураши. Жаҳон чемпионати. 21.10 Коллаж. 21.15 «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

• 30, сешанба

● Уз ТВ I
8.35 «Абадият қонуни». Видеофильм. 1-қисм. 10.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 17.50 Янгиликлар. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанбе) — «Пахтакор». 19.50 «Мерос». Юсуф Сарёмий. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.10 «Мерос». 21.55 «Спортлото». 22.25 «Адолат».

● Уз ТВ II
18.05 «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам». Кинопрограмма. 19.00 «Лаҳза». Хабарлар. 19.10 «Шаҳар юмушлари». 19.30 «Ток новдаси». Телефильм. 19.45 «Ёз неъматлари». 20.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I
8.35 «Шайтон васвасаси». Бадиий фильм. 9.50 Концерт. 10.30 Болалар соати. 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 «Ўғлимни нимага ҳозирлашим керак?» 13.45 «Телемикст». 14.45 «Яхши оилада тарбия кўрган ёш йигит». Бадиий фильм, 1-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 Лев Власин ижро этади. 17.30 «Сиз яратган боғ». 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Сиёсий мулоқотлар». 19.15 Бадиий фильм. 21.00 «Чет эл танаффусидаги монолог». 22.05 «Икс». 23.05 ТСН. 00.25 «Шайтон васвасаси». Бадиий фильм. 01.40 Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II
8.15 Мультфильмлар. 8.50 «Чашмалар». 9.20 «Адам Смит бойлиги дунёси». 9.55 Ритмик гимнастика. 10.25 «Узоқдан эшитилган какку овози». Бадиий фильм, 1-серия. 13.30 Болалар учун фильм. 14.35 «Йўлни ўзим танладим». 15.05 «Алвидо қурол». 18.15 Мультфильм. 18.25 «Тўлқинлар ортитида». 19.25 Коллаж. 19.30 «Кекса Томас ва оқ елканлар ҳақида». 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Футбол СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 22.45 «Тошкент» студияси кўрсатади.

• 31, чоршанба

● Уз ТВ I
8.35 «Абадият қонуни». Видеофильм, 2-серия. 9.50 «Олий таълим — янгиланиш йўлида». 10.30 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 18.10 Мультфильм. 18.35 «Кувноқ болалик қўшиқлари». 19.00 «Саноатимиз одимлари». 19.50 Марям Сатторова ва Тўлқин Ҳайдаров концерти. 21.10 «Навоийшунослар ёзади...». 22.25 «Осмондан тушган беш ўғлон». Бадиий фильм.

● Уз ТВ II
18.05 «Бу оқшомда». 19.00 «Пульс». 19.10 «Бу оқшомда». 20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ I
8.35 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 1-серия. 9.40 «Болалар мусиқий клуби». 10.30 «Икс». 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 Чемпионлар билан биргаликда. 12.15 «Чет эл танаффусидаги монолог». Видеофильм. 14.45 «Яхши оилада тарбия кўрган ёш йигит». Бадиий фильм, 2-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 «Мусиқий хазина». 18.00 ТСН. 18.15 «Планета». 19.00 «Ер маёғи». 19.20 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 1-серия. 21.10 «Босқичлар». 22.40 ТСН. 23.00 «Телескоп». 24.00 «Жанна Дарк учун квота». 00.45 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 1-серия. 01.50 «Юрий Завадский».

● МТ II
8.15 «Қрим эскизлари». 8.45 Мультфильмлар. 9.45 «Бўяб бўрттирмасдан». 10.25 «Узоқдан эшитилган какку овози». Бадиий фильм, 2-серия. 13.40 Болалар учун фильм. 14.45 Ҳужжатли фильм. 15.10 Луиза, Ботир Булғарий қўшиқлари. 18.45 «Мусиқада авангард». 19.30 «Йилқилар». 20.00 Коллаж. 20.05 «Дивертисмент». 21.10 «Санъат усталари». 22.40 «Дунёнинг барча гуллари». «Омон бўлсак...».

• 1, пайшанба

● Уз ТВ I
8.35 «Ҳали ҳаёт олдинда». Бадиий фильм. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.45 «Абадият қонуни». Видеофильм, 3-қисм. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Деҳқон юмушлари». 18.50 «Қадрият». 19.25 Тижорат хабарлари. 19.50 «Наманган гуллари» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.10 Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 22.25 «Ишдаги ишқ можароси». Бадиий фильм, 1-серия.

● Уз ТВ II
18.00 «Тўйдан сўнг». Телефильм. 18.30 «Навоий ўзбек рассомлари асарларида. 19.00 «Кинонўғоҳ». 20.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I
8.35 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 2-серия. 9.45 Мультфильм. 10.00 «Босқичлар». 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 Болалар соати 13.00 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.30 Халқ куйлари. 13.45 «Телемикст». 14.45 «Яхши оилада тарбия кўрган ёш йигит». Бадиий фильм, 3-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 Шеърият лаҳзалари. 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 ТСН. 18.15 «Шамчироқ ёниб турар экан...». 19.15 Мультфильм. 19.20 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 2-серия. 21.10 ИИВ маълумотларига кўра... 21.25 «Илҳом эътиборни талаб қилади». 22.30 ТСН. 22.45 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси, 10-серия. 23.10 «Рақслар, рақслар, рақслар». 00.40 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 2-серия. 01.05 Ҳужжатли фильм.

● МТ II
7.30 «Бридж». Телебиржа. 8.15 «Бир ғишт тавсифи». 8.35 Мультфильм. 8.55 «Ростов финифти». 9.45 Ритмик гимнастика. 10.15 «Муздек тупроқ ҳарорати». Бадиий фильм, 1-серия. 13.30 Болалар учун фильм. 14.45 «Ғалати авлод». 18.10 Мультфильм. 18.30 «ВИД» та ништиради. 19.30 «Шимолга елканли кемада». 20.00 Жаҳон бозорининг калити. 21.10 Коллаж.

21.15 ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

• 2, жума

● Уз ТВ I
8.35 «Городец ўйинчоқлари». 9.05 «Марғилон камалаги». 9.50 «Оқсоқ дарвеш». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Халқаро ҳаёт. 18.50 «Ишбилармонлар ҳузурида». 19.50 «Хотира». 21.10 «Санъатим — саодатим». 22.25 «Ишдаги ишқ можароси». Бадиий фильм, 2-серия.

● Уз ТВ II
18.05 Мультфильмлар программаси. 19.00 «Пульс». 19.10 «02» тўлқинида. 19.25 «Ғаройиб одам». Телефильм. 19.30 Кичик концерт. 20.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I
8.35 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 3-серия. 9.50 Мультфильмлар. 10.20 «Опера ўйнаймиз». 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.45 «Мансаб алифбоси». 12.00 «Мапетшоу». 12.50 Ҳужжатли фильм. 14.45 «Мана шундай мўъжизалар». Бадиий фильм. 15.50 «Агар сиз...». 16.35 «Эчи юлдузи». 17.25 «Аёлни изланг». 18.00 ТСН. 18.15 «Инсон ва қонун». 19.00 Мультфильм. 19.15 «Хусусий шахс». Бадиий фильм 3-серия. 21.10 Долзарб интервью. 21.25 «ВИД» таништиради. 23.40 ТСН. 23.55 «Европа плюс». 01.00 «Хусусий шахс». Бадиий фильм, 3-серия. 02.15 «Сўз сеҳргари».

● МТ II
7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 «Денискани қандай ўлдиришди?». 8.50 В. А. Моцарт. 12-соната. 9.05 Мультфильмлар. 9.30 «Жонли сайёра». 10.25 «Муздек тупроқ ҳарорати». Бадиий фильм, 2-серия. 13.30 Болалар учун фильм. «Мана, август ҳам келди». 14.35 «Гамлет Гонашвили». 18.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феотистов чалади. 19.30 «Белгород». 20.00 «Экранда Сибирь». 20.10 М. Равель. «Дафнис ва Хлоя» балетидан 2-сюита. 21.10 Коллаж. 21.15 Кинонўғоҳ!

• 3, шанба

● Уз ТВ I
8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ахборот». 9.25 «Ана Бумба келди». Бадиий фильм. 10.40 «Амалий давра суҳбати». 11.40 «Кувноқ стартлар». 12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 13.30 «Чорвадор». 14.10 «Абитуриент-91». 14.40 «Рўшнолик». 18.00 Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 Эстрада концерти. 19.50 «Асрлар оша». 20.15 Оқшом эртаклари. 21.10 Дам олиш концерти. 21.55 Тижорат хабарлари. 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Учрашув».

● Уз ТВ II
9.00 «Фарзанд — ҳаёт гултожи». 10.00 «Ғўзаллик излаб». 10.30 «Эрта тонг». Бадиий фильм. 12.05 «Балқи, сен қуёшим. 17.05 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ I
6.00 «Раққослар». 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 ТСН. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 «Доктор Бартек ва ўлим». Мультфильм. 9.10 Хитойда халқ ижодиёти фестивали. 9.55 «Қадимий ўйинларни ўрганамиз». 10.30 «Тонг юлдузи». 11.30 «Сиз бунга қодирсиз». 12.15 «Россия тароналари». 12.30 «Бурда моден». 13.00 Ҳужжатли фильм. 14.65 «Жаннат боғи». Бадиий фильм. 16.05 «Оилавий альбомдан». 17.05 Мультфильм. 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Ойи, мен албатта қайтиб келаман». Телеочерк. 18.35 «Родопига саёҳат». 18.55 «Севишганлар кемаси». Бадиий фильм (АҚШ). 21.10 Долзарб интервью. 21.25 «Демон» 21.40 «Сизнинг исмингиз нималарни англатади?». 23.50 «Буюк Транс-сибирь йўли». 00.40 «Инженер Баркасовнинг беъмани куни». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

● МТ II
7.30 Эрталабки бадантарбия. 8.15 Мультфильм. 8.25 «Моҳир учувчи ҳикояси». Бадиий фильм. 9.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 «Ҳайвонот оламида». 15.30 Йил фасллари. Август. 16.15 Спорт ҳамма учун. 16.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 18.15 Мультфильм. 18.30 Педагогика ҳамма учун. 19.15 Русское трио ижро этади. 19.30 «Тўхтаб, қулоқ сол». 20.00 «Вертикаль». 21.10 Коллаж.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.15 «Пульс». 21.25 «02» тўлқинида. 21.40 «Бурда моден». таклиф этади... 22.20 «Эсдалик учун дастхат». 22.45 «Ўнинчи қурбон». Бадиий фильм (АҚШ).

• 4, якшанба

● УзТВ I
8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Тайга сири». Бадиий фильм. 10.20 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз». 10.50 «Чорраҳа». 12.50 «Деҳқон ва замин». 13.50 «Йигитлар босиб ўтган йўл». 15.50 «Учқуқуқликларнинг умид ва ташвишлари». 16.30 «Илғор тажриба мактаби». 18.00 «Диққат, шаҳарда сеҳргар». Бадиий фильм. 19.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. 19.50 А. П. Чехов. «Илтимос» 21.10 «Якшанба оқшомида». 22.25 Экранда — кинокомедия. «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм.

● УзТВ II
9.00 «Илҳом чашмалари». 9.50 «Кўринмас одам». Бадиий фильм. 11.20 «Дугонам Зебо». 11.50 «Юрий Толубеев». 17.40 ДУШАНБЕ кўрсатади.

● МТ I
7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Ҳайвонот оламида». 12.30 «Мусиқий дўкон». 13.00 «Здоровье» 13.30 Р. Шуман. «Арбескалар». 13.40 «Жонли паровозлар» 14.45 «Янги авлод танлайди». 16.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Қария Гомер» (АҚШ). 16.05 Мультфильмлар. 16.30 «Қишлоқ янгиликлари». 17.30 «Уолд Дисней таништиради...» 18.20 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 18.30 «Ренцо Арборе ва Хэрри Конник билан ўтган қойилмақом кеча». 19.10 «Нофелет қаерда».

● МТ II
7.30 «Зарядкага сафланинг!» 7.45 «Она-замин ташвишида». 8.20 «Айиқча». Бадиий фильм. 9.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 Концерт. 14.40 Халқ куйлари. 14.50 «Хорда менинг овозим янграйди». 15.30 «Биз яшаётган олам». 16.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Фарғона вилоятининг Қизилтепа мавзесидаги Октябрь 60 йиллиги номли давлат хўжалигида яна бир тармоқ — балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Кам ҳосил берадиган ва қумлоқ ерлардан 6 гектари балиқчилик учун ажратилди. Ҳозир ижарага берилган қўлбола кўлда зоғора балиқлар етиштирилмоқда. Келаси йилда мовий кўллар сатхини 10 гектаргача кўпайтириш режалаштирилган.

Олтиариқ районининг бошқа хўжаликлари ва корхоналарида ҳам озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш мақсадида ёрдамчи балиқчилик хўжаликлари ташкил этилмоқда.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг маоши ҳамда хўжалик даромадлари кўпаймоқда. Эндиликда бу ерда ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишга ярим миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилмоқда.

ВАҚТ ҚАДРИ

Гурлан районидаги «Коммуна» давлат хўжалигида ғалла ўриб олинганидан сўнг ерлар бир кун ҳам бўш қолмайди. Улар шу заҳотиёқ ҳайдалиб, жўхори, бошқа озуқа экинлари экилади.

Бозор муносабатларига ўтилиши вақтни тежашни, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Хўжаликда мингдан ортиқ оилавий ижара ва пудрат жамоалари бор.

Механизаторлар ишининг яхши йўлга қўйилиши, техниканинг кўнгилдагидай ишлаши қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда технологиядан яхши фойдаланишга имкон бермоқда. Натижада бутун йил давомида катта-катта майдонлардан фойдаланилмоқда. Хўжалик гарчи пахтачилик билан шуғуллансада, ҳар бир оила ўзига берилган 500 килограмм буғдойдан ташқари яна бир тоннадан шоли сотиб олишга умид қилмоқда.

Бу йил жамоа хўжалигида шолизорлар 400 гектар кўпайди. Табиий қўллар, зовурлар, ботқоқ жойлардан қўшимча майдонлар «топишди». Баҳор фасли кузги экинлар йиғиштириб олингандан сўнг бўш қолган майдонларга ҳам шоли экишди.

Жамоа хўжалигида дастлабки саноат корхоналари пайдо бўлмоқда. Консерва заводи ишга тушди, жувозхона ва чоғроқ тегирмон яқин орада фойдаланишга топширилади. Маиший хизмат кўрсатиш уйи ҳам қуриб битказилди.

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Район саноат комбинатининг буюмлари Наманган районида ишлаб чиқарилаётган кўпгина моллар билан муносиб равишда рақобат қилмоқда. Гиламлар, тўқима патнислар, елпиғичларга қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи катта бўлмоқда. Комбинатда айниқса тўқимачилик ва тикувчилик ишлари яхши йўлга қўйилган. Айни вақтда ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг хиллари муттасил янгиланиб туради. Масалан, халқимиз орасида кенг тарқалган ҳиндистон парчасини ишлаб чиқариш бошланди.

Тошқол ғиштларини ишлаб чиқариш ҳам комбинатга кўп фойда келтирмоқда. Улар пишиқ-пухта ва арзондир, шу сабабли харидоргир бўлмоқда. Бу ерда буюртмалар асосида мебеллар ишлаб чиқариш бошланди. Яқин келажакда кироватлар, кичик-кичик мебель турқумлари кўплаб ишлаб чиқариладиган бўлади.

Бир пиёла чой баҳона

Дам олиш саҳифаси

Сўз одамга ҳамиша руҳий ва маънавий қувват бўлиб келган. «Аввал калом, кейин таом» деган халқ иборасида сўзнинг қудрати аниқ ифодасини топган. Ширин сўз, топиб айтилган, меъёрида ишлатилган сўз жон озиғидир. Сўз — либос, сўз офат балолардан асрагувчи қалқондир. Ҳар бир миллатнинг тили сўзлар воситасида феъл-атвор, мезон ва аниқ манзил кашф этади. Инсоннинг кимлигини кўпинча қиёфасига қараб эмас, балки сўзига қараб баҳолайдилар. Халқимизда буюк сўз қудратини ифодаловчи турли-туман маъноли мақол ва маталлар учрайди. Жумладан, халқимиз:

Буғдой нонинг бўлмаса буғдой сўзинг бўлсин.
Бўйнингни берсанг ҳам сўзингни берма, —

деб бежиз айтмаган. Тўрт унсурни — олов, сув, ҳаво ва тупроқни сўзга қиёсласак, сўз инсон руҳиятининг устун унсурларидан биридир. Тарихдан маълумки, ўқ-ёй билан забт этилмаган шаҳру қалъалар сўз ҳимоясида ё ёрдамида олинган.

Бугун маънавий қадриятларимиз иқтисодий муносабатлар билан тўқнашган мураккаб даврда айниқса бир оғиз ширин сўзнинг ўрни алоҳида қимматга эга.

Ҳар эрта чўнтак тўла пул билан эмас, қалбида ширин сўзларни жо қилиб чиққан кимса бадавлатдир, балки бу сўзимиздан кулгучилар топилар. Начора, ҳар ким эзгу сўзни ўзича баҳолайди, ўзича қадрлайди. Ширин сўз бугун биз излаётган — иқтисодиётнинг бош калити. Бахтга, кайфиятга, меҳнатга, муносабатга йўналтиради. Ҳар қандай соғлом одам ҳам сўз зарбига дош бериши мушкул. Ахир сир эмаски, бир оғиз жўясиз сўз туфайли не-не оилалар бузилмади.

Бир оғиз ширин сўз. Бугун у камёб матоҳдек қалбимиздан узоқлашиб бормоқда. Кўча кезасан асабий, толиққан, бепарво кимсалар. Турмуш ташвишларини елкасига осган оломон... Бир ширин сўз излайсан... Толиққан туйғуларингни тирилтиргувчи сўзга зор бўлиб ҳамдам қидирасан. Озиқ-овқат дўконидаги навбат кутишлар сабрингни ўлчайди. Сабринг бир оғиз сўз силсиласида юз кўрсатади. Дўконга ҳассасини тўқиллатиб, қалтироқ қўлларига тўрхалта тутганча бир чол кириб келади. Хижолатомуз сотувчига мурожаат қилади. «Уф, — деб пичирлайди қаршингдаги қош-кўзлари «моҳир рассом» қўлида сайқалланган қиз, — булар ўлмади, биз қутулмадик».

Чол яраланган бургутдек қалқиб кетди, сўник кўзлари шафқат излаб сенга тикилади. Қизни койиган бўласан. Бошқа харидорлар сенга норизо боқади. Эрта, индин... ҳар дўконга кирганингда нигоҳинг ўша чолни излайди. Фикрингни уққандек сотувчи гап бошлайди:

— Отахон ўша куни бандаликни бажо келтирдилар.

Сўз шамол бўлиб йўлларингни супуради, шамол бўлиб йўлингга хазон тўплайди.

...Келинчак соатга қараб ошни дамлайди. Куёвбола келишига дастурхон тузатади. Қўлбола шакароб тайёрлайди. Қошига ўсма қўйиб, ўзини ойнага солади. Ҳуснидан кўнгли тўлгач, эшикка қулоқ тутади. Ярим соат ўтади, эридан дарак йўқ. Қолган ярим соатнинг ҳар дақиқаси қалбига бонг уриб, сабрини томчи-томчилаб ўлчайди. Соат миллари 12 га яқинлашади. Ширин орзулар билан ёзилган дастурхон қўл урилмай йиғилади. Қозондаги ошнинг қопқоғи очилмай совийди.

Эшик қўнғироғи бехос исён кўтариб жаранглайди. Келинчакнинг ўсмали қошлари чимирилиб, ҳозиргина йўлларига интизор боққан суюклисига зарда қилади:

— Келардиз... эртами, индинми...

Қадрдонининг юз-кўзларини соғиниб келаётган алпнинг юраги сўз зарбидан яраланади.

— Онам бетоб эканлар, ишхонага телефон қилишди... Шунга..., — йигит дудуқланиб сабабини изоҳлайди. Келинчак эса бир нималар деб тўнғиллаб ётоқ эшигини тарақлатиб беркитади.

Йигит қоронғида пайпаслаб пиёла қидиради. Чанқоғини қондириб бўм-бўш хонтахта четига ёнбошлади. Беҳос хотирасига назокат билан иссиққина чой узатган, ширин сўз котиба келади... Оғир энтикади.

Бир оғиз сўз. У шунчалик қудратлики, қаҳридан тоғлар қулайгай, меҳридан ўлик танга жон бағишлагай. Ҳазрат Алишер Навоий ўз битикларида сўзга шундай таъриф берадилар:

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Сўздирки нишон берар ўликка жондин.
Сўздирки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади, жудо ҳайвондин,
Билки гавҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўз — буюк қудрат. Унинг тасарруфида одамлар бирлашади, мамлакатлар обод бўлиб, доғ кўнгилларни мангуга тарк этади. Сўз ёзувларни яксон этади, қалъаларни йиқитади, у кўзга кўринмас қуролдирки, унинг тиғида адолат ва маърифат, яхшилик ва эзгулик чархланади.

Сўзни сўзламасанг сенга қул бўлади. Агар оғзингдан чиқарсанг, у сени қул қилади. Шунинг учун сўз айтмоққа шошмаслик керак. Шошиб айтилган сўз сўнгги пушаймон. Бунга биз ҳаётда ҳар дақиқада учраймиз. Аммо... Аммолар хатоларни бошлаб келаверади. Инсонга бир мартагина бериладиган бебаҳо ҳаёт баъзан арзимас тутуриқсиз сўзлар қабатида яшириниб, умримизни кемиради. Биз эса билиб-билмай сўзнинг қўлига айланамиз.

Теграмизда мунаввар қуёш нурга бурканиб айланади, ой эса ҳолимизга ҳайрон, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, қаро тунларимизга оқлик олиб киради. Юлдузлар ғанимат умрнинг соқчиларидек жимирлаб ненидир уқтиради. Биз эса бир оғиз сўз атрофида айланамиз. Кечагина юз очган ғунчалар сўлиб, сарғаяди. Пойимизга поёндоз бўлган майсалар қовжираб, хазонга айланади. Бир сўз билан дилинг қулфи очилиб, бир сўз билан шайтоннинг макри юз кўрсатади.

Раҳматли Музайям момо беҳад оқила ва маърифатлиғ аёл эдилар. Узун қиш кечалари сандал атрофида, пахта титиб, сўзнинг қудратидан афсоналар айтар эдилар.

Яхши сўз билан илон инидан чиқар,
Ёмон сўз билан пичоқ қинидан.

Мен унда ёшгина қизча эдим. Атрофимдагилардан яхши сўз эшитсам эшитардимки, ёмон сўзни билмасдим. Аммо илонлардан беҳад қўрқардим. Пичоқни эса ҳар куни онам қўлларида кўрардим. Чунки онам ҳар куни ошхонада бизга лаззатли таомлар тайёрлар. Пиёз, сабзи, гўшт тўғрашда пичоқ ишлатиларди. Қизиқарли эртаклари билан кўнглимни олгувчи аммамнинг қуйидаги байтлари менга тушуниксиз эди.

— Аммажон, — дердим шунда, — қўйинг, ўша яхши сўзингизнинг кераги йўқ. Уни айтиб илонларни инидан чиқармоқ не даркор. Ахир улар уяларидан чиққач, бизни чақиб оладилар.

Ҳамиша фаришталардек оппоқ кийиниб юргувчи аммам жилмайиб, бошимни силардилар ва бизни сирли-сеҳрли эртаклар дунёсига бошлаб кетар эдилар.

...Қадим замонда, узоқ мағриб томонда... Хуллас, бир қонхўр шоҳ бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни бойлигини тортиб олишдан завқланса, шаҳар, қишлоқларнинг кулини кўкка совуриб, гўдаклар қонини оқизиб лаззатланар экан. Шунда Турон шаҳрига ҳужум қилибди. Аммо осонлик билан шаҳарни эгаллай олмабди. Ахири ўйлай-ўйлай ҳийла ишлатиб, мамлакат подшосини ҳалок қилибди. Ўзи эса маликага совчи қўйибди. Малика ориятли аёл экан. Номусини ширин жонидан афзал кўриб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Юз минг бошли қўшинга бош бўлиб, жанг қилишдан олдин бир энлик мактуб ёзиб қонхўр шоҳга узатибди. Золим шоҳ хатни ўқиб, жанг қилиш қароридан қайтиб, юртига кетибди. Мактубда шу сўзлар зикр қилинган экан: «Эй улуғ шоҳ, шунча мағрурлигу салоҳиятинг билан жангда енгилсанг, одамлар аёлдан енгилган деб бир умр устингдан кулиб юришади. Агар омад сенга юз буриб, ғолиб келсанг, аёл билан тенглашган шоҳ деб эл-улус лаънатига қоласан».

Аммам эртак айтар, сўз қудратли, енгилмас куч бўлиб ҳайбатли деворларни инсофга чорларди, ўзига омонлик тилаган баҳодирга «Саломинг бўлмаганда, икки ямлаб бир ютардим» дерди.

Узун тунлар оппоқ-нурафшон тонгларга уланар, жоҳил сўз билан қинидан чиққан кескир қиличлар, бир оғиз ширин сўз ила эзгулик хизматида бўларди.

Эзгулик бир оғиз ширин сўз бўлиб, қалбдан-қалбга кўчади, юракни юракка пайванд этади. Эзгу сўз олдидагина қудратлар унутилади, яхшилик бўйи чўзиб, ёмонлик, тубанликлар жарга қулайди. Ахир, ширин сўз сувга, ёмон сўз эса ўтга ўхшайди.

Сўзи гўзалнинг иши юришимли бўлади. Сўзга чечанлик, билиб сўзламоқ фозиллик аломати. Ширин сўзга катта-кичик эрийди.

«Сўзни донодан эшитиб, нодонга қўллаш лозим», — деган эдилар ҳазрат Юсуф Хос Ҳожиб, — улуғлардан эшитган фойдали сўзни кичикларга етказмоқ ҳам жоиз. Ҳеч ким кўп сўзлаб доно бўлган эмас. Аммо кўп эшитиб кўпчиликка бош бўлганлар талай.

Кам гаплик — доноликнинг бошланиши. Киши юз ўйлаб бир сўзламоғи даркор. Ноўрин айтилган сўз киши кўнглини хуфтон қилади. Эл орасидаги обрўси елга совурилади. Яроқсиз сўзлар билимсиз кимсалар тилидан чиқади. Билимсизлар зоҳил кимсалардир.

Шунинг учун сўз сўзламоқнинг меъёрини билиш керак. Гапирган гапинг кўр одам учун кўз бўлсин, деган эди донишмандларимиз. Дағал сўз бошга офат. У қизил юзингни сомонга айлантиради.

Узун сўз зерикарли бўлади. Ўқувли кишилар оз сўзлаб, кўп олқиш оладилар. Келинг, азизлар, биз шундай яшайликки, бир-биримизнинг қалбимизга малҳам бўлайлик, эзгу сўзимиз атрофимиздаги одамларни асраб-авайлашга, ардоқлашга, уларга сиҳат-саломатлик бахш этишга хизмат қилсин.

Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?!

Амина ҚОДИРОВА.

«Бойсун» фольклор-ўлкашунослик халқ дастаси санъаткорларининг чиқишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ансамбль 1986 йилда ўз фаолиятини муваффақиятли бошлаб юборган эди. Кейинчалик Тошкентда бўлиб ўтган жумҳурият танловида жамоа биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг унинг иштирокчилари Ўрта Осиё республикаларида, Москвада, Афғонистонда, ҳатто Лондонда ўз санъатларини намойиш қилишди. Ансамбль репертуаридаги ўзбек ва тожик халқ қўшиқлари, жозибали рақслари хорижий санъат ихлосмандларига ҳам маъқул бўлди.

СУРАТДА: «Бойсун» дастаси қатнашчилари.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

ИСТЕЪДОД ТАНЛОВИ

Халқ қўшиқлари, рақслари ва куйларини ижро этувчи самарқандлик истеъдодли ёшлар катта имкониятга эгадирлар. Улар бир умрга санъаткорликни ўзларига ҳунар қилиб олишлари мумкин. Шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими уларни доимий ишга таклиф этишни мўлжаллаб қўйди. Маданият бўлими кўҳна шаҳарда фольклор-этнография дастасини тузишни анчадан бери ўйлаб юрарди. Энди орзу ҳақиқатга айланади. Бадиий жамоа аъзоси бўлишга даъвогарлар анчагина, уларнинг кўпчилиги бу ерда ўтказилган «Марҳабо, талантлар», «Талант-91» танловларининг томошабинларига яхши таниш. Шундай қилиб, махсус тузилган танлов комиссияси танлаб олса арзийдиган истеъдодлар бор.

Маданий мерос—муқаддас

ҲУРМАТИН БАЖО АЙЛАНГ

Жаҳон классик адабиётига назар ташласак, бир тарихий ҳақиқатнинг гувоҳи бўламиз: ҳеч бир қитъа аҳли классик адабиётида Шарқ халқларича, хусусан ўзбек классик адабиётидаги каби кўплаб шоиралар етишиб чиқмаган, жаҳонга довруғ солмаган. Зебуннисо, Анбар отин, Дилшод отин, Увайсий, Нодира... Бу номлар оламга машҳурдир. Аммо улар ижодини, ҳаётини ўрганишда айрим ҳолларда сусткашлик қилмоқдамиз. Қадриятни топтаётган ҳоллар хусусида ҳам бир оғиз сўз.

1989 йили ўзбек шоираси Зебуннисо таваллудига 350 йил тўлди. Худди шу вақтда Анна Ахматова туғилганига ҳам 100 йил бўлди. Матбуот, хусусан ўзбек матбуоти Зебуннисога заррача эътибор бермади, ҳисоб. А. Ахматова ижоди эса кенг ёритилди. Бу билан Анна Ахматовага эътибор бериш керак эмас, демоқчи эмасман, балки Зебуннисо ижодиёти А. Ахматова ижодидан кам даражада эмаслигини, агар матбуот эътиборини қаратса, бунга лойиқлигини айтмоқчиман.

Шунингдек, Увайсийнинг 200 йиллиги ҳам (унинг туғилган вақти тахминан 1789-90 йил деб белгиланган) ёдимиздан кўтарилганлигини олимларимизга эслатиб қўймоқчиман.

Навоий ҳазратларининг 550 йиллиги билан бир қаторда у кишининг замондоши, устози Мавлоно Лутфийнинг 625 йиллигини ҳам қўшиб нишонласак, фақат ҳақиқатни, ўз қадриятимизни бойитган бўлар эдик.

Шунингдек, 1992 йили Моҳлар ойим — Нодирабегимнинг 200 йиллигига, 1993 йили Бобур Мирзонинг 510 йиллигига тайёргарликни бошлаб юборсак, шаҳар марказида уларга ҳайкал ўрнатиш, истироҳат ва маданият боғлари ташкил қилиш учун (пойтахт Тошкентда) жумҳуриятнинг юқори органлари ҳозирданоқ махсус қарорлар қабул қилсалар, оқилона ва одилона иш бўлар эди.

Яна бир йилдан сўнг таваллудига 200 йил тўладиган ажойиб шоира, маърифатпарвар ўзбек аёли Нодирабегим ҳақида, унинг форс-тожик тилидаги ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, Нодирабегим «ишқ шевасини ошкора куйлаган» шоира эди. У ўз эътиқодига форс тилида битган ғазалларида ҳам содиқ қолди.

Нодирабегим форс тилидаги ғазалларига Макнуна деб тахаллус қўйди. Ҳа, у форсий ғазалларида фақат тахаллусни ўзгартирди, холос. Аммо дунёқарашини, эътиқодини, оташин ғояларини заррача ҳам ўзгартирганн йўқ: «Би ту месўзад...», «Айш кун», «Эй гашта даври», «Дўстон гўяд» деб бошланувчи қатор ғазаллари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Нодирабегим назмиётида шундай бир байт мавжуд:

«Хушо оқилки, айлаб яхшилиғ
бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фонийдин ўзини
некном айлаб...»

Ушбу байтни Нодирабегимнинг ўзига нисбатан қўллагим келади. Негаки, унинг бой ижодий мероси, ибратли ҳаёти Нодирабегим «бу дайри фоний», яъни ўткинчи дунёда ўзидан некном (яхши ном) қолдира олганлигига гувоҳномадир.

Д. САИДОВ.

ОМОЧ

Удумларимиз

Омоч ҳозир ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Ҳўкизнинг шохига урсанг, гуёги зирқирайди деганларидек, омочни эсласак, аъзойи баданимиз қақшайди. Безиллаб қолганимизнинг боиси омоч манман деган ҳўкиз тугул, от, эшаклар елкасини ҳам яғир қилган. Яхшики, кейинчалик сўқа, оқсой, очар, культивация, молалар, кўсак майдалайдиган махсус мосламалар пайдо бўлди. Буларни инсон ақл-заковати кашф этди. Тракторлар, ер ҳайдайдиган полвон сўқалар чиқди-ю деҳқонлар мушкули енгиллашди.

Қирқинчи, эллигинчи йилларга қадар ҳўкиз қўшилган омочда ер ҳайдаларди. «Чу», «ҳўк» овозлари куз, баҳор фасллари даладан эшитилиб турарди.

Жумҳуриятимизда деҳқон жамоаси тарихи «Қўшчилар уюшмаси»дан бошланган. Қизиқ, ким жамоа хўжалигига кирмоқчи бўлса, меҳнат қуроллари, аравасини, от, эшак, омочини топширишга мажбур эди. Тошкентнинг «Бекобод» маҳалласида бир колхозчи минг сўм пул бериб жамоа хўжалигига киргани учун «Мингсўмлик» лақабини олган. У кишининг ҳақиқий отини маҳалла у ёқда турсин, шу-шу ошна-оғайнилари ҳам бутунлай унутиб юборишган экан. Ҳозир ҳам авлодларини «мингсўмлик»нинг фарзандлари, невара-эваралари деб чақиришади.

Омочнинг турлари кўп. Эшакларга ихчам, ҳўкизларга катта омоч-бўйинтуруқлар қўшилган. Ҳар қандай бевош ҳўкиз ҳам қўшга қўшилгач, ювош бўлиб қоларди.

Қўшчиларнинг ер ҳайдаётганларини кўп кўрганман. Ёшлигимда қўш қўшганман, Жониворлар омочни тортиб, манзилга боргач, «ҳўк-ҳўк» дейилса, гапга тушунгандай орқага қайтарди. «Чу» деса яна юришда давом этарди. Илгари дала ишлари эшак, ҳўкизлар кучи билан бажариларди. Ғўзалар эгатини омочда юмшатишганда ҳўкизнинг оғзини боғлаб қўйишарди.

Ҳа, омоч ота-боболаримизнинг қадимги иш қуроли. Баъзан чекка жойларда ҳали ҳам унга эшак қўшиб, ер ҳайдаётган қишлоқ кишиларини кўриш мумкин. Тракторларга ноқулай, ўта қиялик, сойлик, парча-парча ерларга экин экишда деҳқонлар ундан фойдаланишади.

Эндиликда омоч, бўйинтуруқ музейларга қўйилган. Мусаввирлар ҳам ўз тасвирларида ундан фойдаланиб, ер ҳайдаётган деҳқонлар суратларини кўп чизишган. Айниқса, бундай суратлар ичида 1925 йилда Ўзбекистон халқ рассоми В. Уфимцев яратган картина диққатга сазовор. Унда вақти келиб деҳқон техника замонида яшайди, деган рамзий тушунча ҳам бор. Унинг чизгисида келажак ёшларники, деган ўткир ғоя тасвирга усталик билан сингдирилганлиги кишини ҳайратга солади.

М. АҲМЕДОВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

УЛКАН СУРАТ

Гиннесснинг рекордлар китобида болалар томонидан чизилган дунёдаги энг катта сурат қайд этилди. Бу расм Японниянинг Миязаки вилоятида намойиш қилинди. Бўйи 250 метр, эни эса 50 метрлик мазкур манзарани шу музофотнинг 30 минг боласи чизган. Улкан полотно бирбирига уланган 12.500 варақ қалин қоғозга чизилган бўлиб, уни фақат бир неча терак бўйи баландликдан томоша қилиш мумкин.

ИТЛАР «ҚЎШИҒИ»

Марказий Африка республикасининг Банги шаҳрида истиқомат қилувчи Жозеф Боголо ҳайвонларни жону дилидан яхши кўради. Ҳозир унинг уйида учта ит, иккита мушук, бир неча каптар ва битта жайра бор.

Боголонинг итлари ғалати хусусиятга эга. Уй соҳиби қўлига гитара олиб чала бошлаган заҳоти учала ит бараварига акиллашга тушади. Бу «концерт» Боголонинг жонига теккунича давом этади. Итларнинг акиллашидан безор бўлган қўшнилар охири маҳаллий ҳакамга арз қилишди. Боголо бу итлар «куйи» учун ҳакамга жарима тўлашга мажбур бўлди.

Олтинкўл район «Ленин йўли» жамоа хўжалигидаги Тумор қишлоғида янги кулолчилик цехи ишга туширилди. Бу ерда ҳозир 20 дан ортиқ киши меҳнатга жалб қилинган. Цех тўла қувват билан ишлай бошлагач бир кеча-кундузда 400 дан ортиқ сапол буюмлар тайёрлаб чиқаради.

СУРАТДА: ишчи Назира Олимова маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.

СИГИР ДАРАХТ

Дарахтлар чинакам мўъжизадир. Инсоннинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда уларнинг аҳамияти катта. Дарахт деганда дастлаб биз яшайдиган уйларни қуришда ишлатиладиган ёғоч кўз олдимизга келади. Улар берадиган ширин-шакар мевалар-чи! Дарахтларнинг ана шу хусусиятлари назарда тутилганда уларни мўъжизалар мўъжизаси десак, камлик қилади.

Гуржистонда бўлганмисиз? Ажойиб бу юртга ташриф буюрган ҳар қандай киши унинг табиий гўзалликларига мафтун бўлмай қолмайди. Наботот олами кўзни қувонтиради. Фикримизнинг далили учун бу ерда ўсадиган бир дарахтни мисолга олайлик. Гуржилар авокада деб атаган бу дарахт барчани ҳайратга солади. Унинг иккинчи номи — «сигир» дарахт бўлиб, мевалари ғаройибдир. Озиқ хусусиятлари жиҳатидан гўштга, ҳазм бўлиши бўйича сариёғга тенг. Авокада меваси 50 граммдан 400 граммгача тош босади. Таркибида мой ва дармондорилар кўп.

Коста-Рика, Эквадор ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларида турар жойлар яқинида унча катта бўлмаган боғлар бор. Уларда ўсадиган баланд дарахтларнинг барглари ҳар доим кўкариб турувчи, уйларни безатиш учун парвариш қилинадиган япалоқ дарахт — фикусга ўхшайди. Мевасини ейиш мумкин. Бу дарахт сутсимон шарбат бериши билан юксак қадрланади. Қобиғи кесилган жойларидан оқиб чиқади. Бу ерларда истиқомат қилувчи одамлар шу хусусияти учун уни «сут дарахти» деб атайдилар. Бир соат ичида кесилган жойидан бир литрга яқин суюқлик олиш мумкин. У сигир сутини эслатади.

Наботот оламида

Бу дарахт ширасининг ғалати хосияти ҳам бор. У ҳавода тез қуйилиб, аччиқ бўлиб қолади. Шу боис зарур бўлганидагина «соғилади».

Мазкур дарахт тутсимонлар оиласига мансуб. Унинг «сути» одатда ошқовоқдан қилинган идишларда сақланади. Ширасини таҳлил қилиш унинг 57 фоизи сувдан, 37 фоизи мумдан, 5 фоизи қатрон ва қанддан иборат эканлигини кўрсатди. Маҳаллий аҳоли бу дарахт ширасига сув қўшиб, истеъмол қилади.

Қанд дарахтини эса узум, хурмо, ширин ўсимлик деб ҳам аташади. У мевачалари ширин бўлганлиги учун мамлакатимизнинг қатор минтақаларида, чунончи Ботуми теварак-атрофларида, Қримда, Ўрта Осиёда ўстирилади. Бўйи 8—15 метрга етади. Бу дарахтнинг таъми наввотни эслатувчи, нок, қовун ва узум бўйи келиб турувчи эгри-бугри меваларини истеъмол қилиш мумкин. Бундан ташқари Шарқий Осиё халқ табобатида унинг мевалари ва уруғлари нафас қисиш ва бошқа хасталикларни даволашда тавсия этилади.

Ер юзида қовун дарахти ҳам бор. Ёввойи ҳолда ўсадиган иссиқ севар бу дарахтнинг бўйи 60 метр. Меваси икки килограмм оғирликка эга бўлиб, шакли ва ички тузилиши қовунни эслатади. Қовун дарахти XVI асрда Панамадан Шарққа келтирилган. Эндиликда Марказий Америкада, Ҳиндистонда, Малайя оролларида, Австралияда ўстирилмоқда.

Қисқаси, ёғ, ширин шарбат, сут ва бошқа маҳсулотлар берадиган дарахтлар Ер куррасида кўпдир.

Ғ. ТОЛИПОВ.

БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. Иш кийими. 2. Ўлчов асбоби. 3. Ғазалнавис шоир. 6. Чаковский романи. 7. Қизлар исми. 8. Маълумотлар ёзиладиган устун. 9. Миллий мусиқа асбоби. 11. Халқ рақси куйи. 13. Мато. 14. РСФСРдаги шаҳар. 16. Совуқ шамол. 17. Сўров, илтижо.

ЭНИГА: 4. Муқимийнинг ҳажвий шеъри. 5. Қариндош. 8. Гавжум жой. 10. «Темир хотин» пьесаси қаҳрамони. 12. Сажда қилмоқ. 15. Таниқли шахс. 18. Кичкина рубоб. 19. Боғланиш усули.

Фаёз АБДУҚАҲҲОР ўғли тузган.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5606 Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.55. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12